



## “LOQAYDLIKDAN NAFRATLANAMAN”

4-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2022-yil 16-sentabr, №37 (2996)


YANGI O‘ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

# VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOIY-SIYOSIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

ZAMON  
BILAN  
HAMNAFAS

HARBIY TA’LIM —  
VATAN HIMOYASI  
TAYANCHI



YUKSAK  
KELAJAKNI  
KO‘ZLAB



## “AYOLGA SAODAT BERING”

6-sahifa ▶▶



## JANGOVAR NOTIQLIK SAN’ATI

7-sahifa ▶▶

## TALABALARGA TOR KELAYOTGAN TOSHKENT



11-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

Tahririyat  
haqida  
ma’lumot



# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИГИ ДУНЁ МИҚЁСИДА ШИДДАТЛИ ЖАРАЁНЛАР КЕЧАЁТГАН ЎЗИГА ХОС «ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШ» ПАЛЛАСИГА ТЎҒРИ КЕЛДИ – БИР ТАРИХИЙ ДАВР НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА ҲАМДА БАШОРАТ ҚИЛИШ МУШКУЛ БЎЛГАН ЯНГИ БИР ДАВР БОШЛАНМОҚДА.**

Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири – глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, «блокларга мансублик» стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларини янада кескинлаштирмоқда.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилмаҳилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб бермоқда. Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишининг яққо ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айна инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳат-

ликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли



ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилidir. Айна шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

## **МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ**

Барчанинг ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамасдан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлар-

дан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташки сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб, ШХТ ҳамжамияти – улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.

ШХТ маконидаги давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

Янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва «яшил» иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ: БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ САРИ**

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди.

Бизнинг асосий шиоримиз – «**Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади**». Уни амалда рўёбга чиқариш йўлида ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибадор бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбир доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишининг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди. ►►

«**Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги юртимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очиқ ташқи сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди. Бу сиёсат, энг аввало, ШХТнинг географик ўзаги бўлмиш, бугунги кунда яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ижобий ва ортга қайтмас жараёнлар рўй бераётган Марказий Осиё минтақасида амалга ошмоқда.

ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин қўшнилариимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир.

Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар берди.

Шунга ишончим комилки, бугун ШХТ доирасида шакланган мана шундай ижобий ва муваффақиятли тажрибадан Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам фойдаланиш ўта муҳим ва долзарбдир. Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Афғонистонга биргаликда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инкироздан чиқиши учун қулай

шароит яратиб бериш бизнинг маънавий бурчимиздир.

Асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистон эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим.

Бундай ўзаро манфаатли минтақалараро ҳамкорликнинг намунавий рамзи сифатида Трансафғон коридорининг қурилиши лойиҳасини айтиш мумкин. Шуни ҳам англаш муҳимки, «Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўли каби қўшма инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш орқали биз ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини ҳал этибгина қолмасдан, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшишимиз мумкин.

Ўзаро позицияларимизни яқинлаштириб, тинч, барқарор ва фаровон Афғонистон учун ШХТнинг янги кун тартибини биргаликда ишлаб чиқа олишимизга аминман. Шундагина том маънода барқарор ва изчил ривожланаётган, яхлит хавфсизликка эга бўлган ШХТ маконини барпо эта оламиз.

### «САМАРҚАНД РУҲИ» – ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

Савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик «пандемия танаффусидан» сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур.

Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлакати етакчиларини таш-

килотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва равнақиға хизмат қиладиган янги ва илғор таклиф ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қилади. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар «қайнаган» макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечирish каби муштарак мақсадлари муҳим бўлган. Бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши қўшни – бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув қўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзгуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди.

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфратузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг бундай ноёб жиҳатлари уни минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш учун энг қулай ва мақбул майдонга айлантормоқда.

Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айташимизки, ШХТ-

нинг Самарқанд саммити **умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги** ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муросага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. «Самарқанд руҳи» деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда муҳим бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, «Самарқанд руҳи» бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига тўртки берган «Шанхай руҳи»ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу сабабдан аминмикки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз – ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажак кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно муҳим.

Ишончимиз комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

(ЎЗА)

## «ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ» XIV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли кинофестиваль катнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларни – дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган машҳур актёр ва режиссёрлар, оператор ва рассомлар, продюсерлар ҳамда киношунос олимлар, атоқли маданият ва санъат арбобларини «Ипак Йўли дурдонаси» XIV Тошкент халқаро кинофестивалининг очилиши билан чин қалбиндан самимий муборакбод этаман.

«Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун» деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган мазкур анжуманда жаҳоннинг 35 давла-

тидан 300 дан зиёд кино устаси иштирок этаётгани ярим асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент халқаро кинофестивали бугун – Янги Ўзбекистон шароитида янги мазмун ва қиёфага эга бўлиб, санъат оламида янада муносиб обрў-эътибор топиб бораётганидан далолат беради.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кино санъатини замон талаблари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёдаги нуфузли кинокомпаниялар билан алоқалар йўлга қўйилиб, 30 дан ортиқ давлат билан ҳамкорликда бадиий фильмлар яратиш бўйича келишувларга эришилди. Миллий

ва хорижий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида киношаҳарчалар бунёд этилмоқда. Ўзбекистонда фильм суратга олишни истаган чет эл компаниялари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратилмоқда.

Сизлар фестивал кунлари кино соҳасидаги ислохотларимиз билан танишиб, бу борадаги ишларимиз самарасини ошириш бўйича фойдали таклифларингизни билдирасиз, деб умид қиламан.

Бугун ўз ишини бошлаётган кинофестиваль самимий учрашув ва мулоқотлар, қизғин баҳс-мунозаралар, кўплаб янги бадиий асарлар тақдими билан барча иштирокчилар фаолиятида, Ўзбекистон маданияти ва

санъати ривожидида муносиб из қолдиришига ишонаман.

Сиз, азизларни XIV Тошкент халқаро кинофестивалининг очилиши билан яна бир бор табриклаб, ушбу улкан санъат байрами унутилмас лаҳзаларга бой бўлиши, кино оламида янги ном ва истеъдодларни кашф этиб беришини тилаб қоламан.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар, кинофестиваль ишига эса муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

(ЎЗА)



# «ЛОҚАЙДЛИКДАН НАФРАТЛАНАМАН» ДЕЙДИ ХУДОЙНАЗАР АКАНИНГ КЕНЖАСИ

**Полковник Исмоил Қурбанов:**  
1977 йили Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилган, катта оиланинг кенжа – ўнинчи фарзанди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини (ҳозирги Қуролли Кучлар академияси) тамомлаган. Ҳозирда ҳарбий хизматни Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари вазифасида ўтамоқда. Жорий йилдаги II даражали «Шон-шараф» орденидан олдин «Шуҳрат» медали ва «Мардлик» ордени билан тақдирланган. Боткент ва Сариосиёдаги жанговар ҳаракатлар қатнашчиси.

**«Кенжа ботир – ўзбек халқ эртақларидаги ижобий қаҳрамон. У тимсолида ақлли, эпчил, довюрақ, тадбиркор инсон образи мужассам этилган. У эл тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳар қандай мушкулликларни енгишга қодир».** Мақолани нега айнан шу иқтибос билан бошлаганим ҳақида унинг якунида тўхталсак. Ҳозирча эса Президентимизнинг фармонида кўра, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида давлат мукофоти билан тақдирланган ҳарбий хизматчи билан савол-жавоб асносида танишсак. Ўртоқ полковник билан таҳририятимизда эрталаб кўришдик. У киши Қуролли Кучлар академияси сиртқи таълимнинг 2-босқич тингловчиси экан. Меҳмоннинг ўқишга кеч қолмаслигини ўйлаб, менга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш учун қисқа салом-алиқдан сўнг диктофон ёқилди.



– Энг аввало, стандарт савол: нега айнан ҳарбий касбни танлагансиз?

– Ёшлиқдан ҳарбий хизматчиларни кўриб, уларга қаттиқ ҳавас қилганман. Айниқса, ҳарбий разведкачиларга. Спортнинг самбо ва дзюдо турлари билан мунтазам шуғулландим. Кейинчалик ўша ҳавас сабаб ҳужжатларимни олий ҳарбий таълим муассасасига топширдим.

– Давлатимиз раҳбари иштирокидаги тақдирлаш тантанасига тўхталсак. Қандай кечинмалар бўлди?

– Умуман ҳаяжонланмадим, десам, ёлғон бўлади. Аммо ўзимни дадил тутганимни сездим. Буни кейинчалик тадбир иштирокчилари ҳам таъкидлашди. Шахсий таркиб олдида кўп гапиришим кўл келди, деб ўйлайман.

– Кейинги пайтларда ҳарбий хизматчилар ва ёшлар ўтрасида кўплаб турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шулардан биронтасида қизиқарли воқеага гувоҳ бўлганмисиз?

– Кўзлари ёниб турган ўғил-қизларимизни кўриб, доим таъсирланаман. Уларнинг зукколигини бераётган мантиқий саволларидан биламан. Шижоати ҳавас қилгулик. Айниқса, полигонлардаги учрашувлар жуда жонли ўтади. Вақти келиб, ўша ёшлар армиямиз сафларидан жой олишини ўйлаб, ниҳоятда севинаяман.

– Замонавий интервьюларда блиц-саволлардан кенг фойдаланишади. Сиздан қисқа вақт ичида лўнда жавобларни кутаман. Навбатдаги ҳарбий унвонни ёки навбатдаги давлат мукофотими?

– (Бир оз сукутдан сўнг) Генералликни орзу қилмаган аскар аскар эмас (бутун суҳбат давомидаги энг самимий кулги).

– Давлат мукофоти сиз учун нима, учта сўзда?

– Куч, ғайрат, ишонч.

– Полковник Қурбановни учта сифат билан таърифлаб беринг.

– Талабчан, қатъиятли, қўйилган вазифани бажарувчи.

– Қўмондон бўлганингизда ўзингиздек ўринбосарингиз бўлишини хоҳлармидингиз?

– Ҳа.

– Ҳаётда сиз учун энг муҳим уч нарса?

– Юрт тинчлиги, оилавий бахт, фарзандлар камоли.

– Ҳарбий хизматчида бўлиши керак бўлган асосий уч хислат?

– Чидамлилик, ватанпарварлик, халқ назаридан қолмаслик.

– Нима сиз учун армон?

– Отам ёнимда эмаслиги (Худойназар Қурбанов суҳбатдошим катта лейтенантлик даврида оламдан ўтган экан).

– Сиз ўзингизни кўпроқ яхши устоз деб биласизми ёки яхши шогирд?

– Яхши шогирд.

– Сиз учун бир умрлик насиҳат?

– Отамнинг: «Йигит бошинг эгилмасин» дуоси.

– Нафратингизни кўзғайдиган уч нарса?

– Жавобгарликни ҳис қилмаслик, лоқайдлик ва эътиборсизлик.

Матн аввалидаги – кенжа ботир. Суҳбатдошим таҳсил олар манзили сари кетгач, негадир айнан шу ҳақда ўйладим. Тўқима олам қаҳрамони реал замонимизга кўчгандек. Ўша ижобият, довюрақлик, эл тинчлиги учун кураш. Ҳа, қаҳрамонлар бугун ҳам бор. Улар орамизда.

Подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ суҳбатлашди, «Vatanparvar»

# Men g'olib!

# «ЭНГ ИЛҒОР АРТИЛЛЕРИЯ ҲИСОБИ»ДА ЭНГ КУЧЛИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмларидан бирида Мудофаа вазирлиги миқёсида «Мен ғолиб!» шиори остида кенг қамровда ўтказилган «Энг илғор артиллерия ҳисоби» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



III dаражали serjant Olim BERDIYEV



Мудофаа вазирлиги артиллерия қисмлари ўртасида илк бор кенг қамровда ташкил этилган танловда 300 нафардан ортиқ сержант ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар 10 та йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар. Танловнинг финал мусобақалари Марказий ҳарбий округнинг «Каттақўрғон» полигонида бўлиб ўтди. Тантанали маросимда иштирок этган мудофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодир Тўрсунов ғолибларни қутлар экан, бугунги кунда замонавий ҳарбий низолар шароитида артиллерияни қўллаш усуллари тобора ўзгариб бораётганига урғу берди. Жумладан, артиллерия бўлинмалари шахсий таркибига разведкачи, артиллерия ҳисоби коррективкачиси, учувчисиз учиш аппарати секцияси билан биргаликда жанг майдонини кузатиш, душманни топиш, унинг координатларини аниқлаш ва артиллерия гуруҳи таркибида ҳаракатланиб, душманга жиддий талафот етказиш талаблари қўйилмоқда, деди мудофаа вазирининг ўринбосари. Тантанали

маросимда Тошкент ҳарбий округи қўмондони, артиллерия қисмларида кўп йиллар хизмат қилган Қуролли Кучлар фахрийлари ҳам сўзга чиқиб, ғолибларни самимий қутладилар.

Ғолибларга диплом, кубок, мудофаа вазирининг «Жанговар хизмат

фаолияти учун» ва «Намунали хизматлари учун» III даражали кўкрак нишонлари ҳамда мудофаа вазирининг эсдалик нишони топширилди.

Улар қуйидагилар:

1. «Энг илғор миномёт ҳисоби» – Шарқий ҳарбий округ жамоаси.

2. «Энг илғор Д-30 ҳисоби» – Марказга бўйсунувчи артиллерия ҳарбий қисм жамоаси.

3. «Энг илғор Д-20 ҳисоби» – Марказга бўйсунувчи артиллерия ҳарбий қисм жамоаси.

4. «Энг илғор БМ-21 ЗОРТ ҳисоби» – Марказга бўйсунувчи артиллерия ҳарбий қисм жамоаси.

5. «Энг илғор артиллерия разведкачиси» – III даражали сержант Достон Баратов.

6. «Энг илғор учувчисиз учиш аппарати секцияси» – кичик сержант Ойбек Комилов.

7. «Энг илғор артиллерия коррективкачиси» – лейтенант Абрам Тўлаев.

8. «Энг илғор артиллерия ҳисобчиси» – оддий аскар Рамазон Шаймардонов.

9. «Энг илғор оператор-топобўловчиси» – кичик сержант Бургиталихон Турдиев.

10. «Энг илғор ҳайдовчи» – кичик сержант Жасурбек Қурбоналиев.



Фурқат ЭРГАШЕВ,  
«Vatanparvar»

# Tanlov

# «Аёлга саодат беринг»

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг маданият саройида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилот раисларининг «Аёлга саодат беринг» номли ижтимоий роликлар танловининг тақдирлаш маросими ўтказилди.



Bahrom ABDURAHIMOV

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғояни ўзида мужассам этган мазкур танлов жамиятдаги қанчадан-қанча ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қамраб олиш ва уларнинг оилаларига ёрдам бериш мақсадида ташкил этилди. Маросимда вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган юздан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова аёлларнинг оиладаги ўрни, фарзандлар тарбияси борасидаги фидойилигини эътироф этиш асносида эл-юрт равнақиға қўшаётган ҳиссасини ғурур билан тилга олди. Тадбирда иштирок этаётган хотин-қизлар жамиятимизнинг шундай фаол шахслари сифатида барчага ўрناق эканликларини таъкидлади.

Ниҳоят, барча интиқ кутган ва ҳаяжонларга бой бўлган тақдирлаш маросими бошланди. Дастлаб турли номинация бўйича танловга тақдим этилган энг яхши видеороликлар намойиш этилди. Шундан сўнг асосий ўринлар эълон қилинди.

Унга кўра, 3-ўринни Худудгаз таъминоти акциядорлик жамияти қўлга киритди. Ўзкимёсанот

акциядорлик жамияти 2-ўринни, Давлат солиқ қўмитаси 1-ўринни эгаллади.

Танловнинг бош мукофоти – Гранпри эса Мудофаа вазирлигига насиб қилди. Ғолиблар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОВА,  
«Vatanparvar»**

# Uchrashuv



# Ёзувчи ижодига назар

Буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва ардоқлаш мақсадида юртимиз бўйлаб турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Улардан бири Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигининг ҳарбий қисми ҳарбий хизматчилари учун ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 115 йиллигига бағишланди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Туроб Ниёз, Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Исмоилова, Ўзбекистон давлат драма театри актёр ва актрисалари ҳамда адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Ҳарбий хизматчилар орасида Абдулла Қаҳҳор ижодига қизиқувчилар кўплиги сабабли аввал шоир Туроб Ниёз билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Абдулла Қаҳҳорнинг ўз касбига бўлган масъулияти, умр йўлидаги турли воқеа-

лар бўйича фикр алмашилди. Актёр ва актрисалар томонидан Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб «Аяжонларим» драмасидан парча ижро этилди. Саҳна кўринишини томоша қилган ҳарбий хизматчилар маънавий ҳордиқ олиш баробарида адиб ижоди билан яқиндан танишди.

Фаол иштирокчиларга ташаккурнома ва эсдалик совғалар топширилди.

**Муаттар МЕЛИЕВА,  
«Vatanparvar»**

## # Nutq madaniyati

**Инсон руҳияти кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ва ҳид билиш омиллари орқали атроф-муҳитга мослашувчан бўлади. Эшитиш инсоният онгига глобал, яъни кенг миқёсда таъсир ўтказиш жиҳати билан бошқа омиллардан кескин фарқ қилади. Бунинг натижасида инсоният пайдо бўлган даврлардан бошлаб нотиқлик санъатининг ранг-баранг кўринишлари шаклланиб келган.**

*Нотиқлик санъатини мукаммал ўзлаштирган қатъиятли шахсларгина ҳокимиятни бошқара оладилар...*

# ЖАНГОВАР НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Мутахассислар бирор бир мақсад йўлида маълум бир шахс томонидан сўзланган нутқ ва бу орқали жамоатчилик эътиборини қозонишни нотиқлик санъати деб ҳисоблашади. Нотиқлик санъати инсоннинг нутқ маданияти, актёрлик маҳорати, руҳий таъсир ўтказиш техникаси билан мужассамлашган қобилиятидир. Асрлар давомида шаклланиб келган нотиқлик санъатининг ранг-баранг кўринишларидан бири сифатида жанговар нотиқлик санъатини алоҳида эътироф этиш мумкин.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ

Нутқ маданияти фан сифатида яқин-яқин даврлардан бошлаб ўрганилиб келинаётган соҳа ҳисобланса-да, унинг тамал тоши инсонлар ўртасида сўзлашув пайдо бўлгандан буён вужудга келган, десак, адашмаймиз. Шунинг учун нотиқликнинг дастлабки кўринишларини кимдир атрофидаги одамлар ёки оиладаги муҳит таъсирида, кимлардир илк сабоқ жараёнида, айримлар кимгадир тақлид қилиш асносида ўзлаштириб борганини тарихий маълумотларда кузатиш мумкин. Барча соҳада бўлган каби нотиқлик санъатида ҳам ривожланиш даврларининг босқичлари мавжуд ва бу механизм ҳаракатдан тўхтамайди.

Тарихчилар томонидан тош асри деб ўрганилиб келинаётган палеолит, мезолит, неолит ва мис асрига ўтиш оралиғидаги энеолит даврларида ҳам қабила бошлиқлари нотиқлик санъатидан фойдалангани қайд этилади. Қабила бошлиқлари нотиқлик санъати орқали ўз қабиладошларини овда, жанговар юришларда ортидан эргаштира олган. Жанговар ва

нотиқлик маҳоратларининг мужасамлашиши натижасида илк марказлашган давлатларнинг шаклланиши кузатилган. Аста-секин нутқ маданиятининг турли кўринишлари шаклланиб борган ва ундан ҳокимиятни мустаҳкамлашда фойдаланилган. Саркардалар, тахт ворислари, буюк алломалар кўплаб билимларни ўрганиш баробарида нотиқлик санъатини ўзлаштирганликларини кузатиш мумкин.

## РУҲИЙ ҲОЛАТНИНГ ТАЪСИРИ

Инсон руҳияти ва овоз органлари (*эшитиш ва кўриш*) ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бор. Агар нотиқнинг фикри ва ҳиссиёти таъсирсиз, тушунарсиз, мақсадсиз ёки воқеликка нисбатан ҳадиксираган бўлса, унинг нутқи ҳам худди шу кўринишда акс этади. Бунда овоз органлари тўлиқ фаолият кўрсата олмасдан нутқда пайдарпайлик юзга келади.

### Аскар ҳикояси:

– Муддатли ҳарбий хизматининг бошида жанговар қуролларни назарий жиҳатдан ўргандик. Керакли назарий билимларни ўзлаштирганимиздан кейин дала-ўқув майдонида отиш машқларини бажаришга бордик. Мутахассислигим бўйича ПКМ пуле-

метидан амалий синов топширишим лозим эди. Шеригим ва мен пулемёт ўрнатилган нуқтага жойлашдик. Назария ва амалий кўникма ўртасида катта фарқ борлигини ўшанда билганман. Нима қиламиз дегандай шеригимга қарадим. Шеригим елкасини қисганча, ўгирилиб қўйди. Шу пайт орқамизда турган кимдир оёғимга секин туртди. Ўгирилиб қарадим. Ортимда турган полковникни кўриб, баданимни совуқ тер босди. Дашном берса керак, деб ўйлагандим-да.

– Ўғлим, 9-рота фильмини кўрган-мисизлар?..

Муаммонинг ечими топилгандек, иккаламиз ҳам бирваракайига бошимизни сарак-сарак қилдик.

– Унда нимани кутиб турибсизлар? Нишонларга қарата ўқ отмайсизларми?..

Унинг оталарча меҳр билан берган далласидан бир оз дадилланиб, аввал яккалик, кейин автоматик тарзда нишонларга ўқ уздик. Биринчи марта пулемётдан отишимизга қарамай, полковникнинг руҳий қўллаб-қувватлаши туфайли вазифамизни аълога бажаргандик...

## БОСИҚЛИК ЁКИ АГРЕССИВЛИК

Ўз-ўзидан маълумки, ҳарбий йўналишдаги нутқлар қисқалиги, жанговарлиги, ватанпарварлиги ҳамда қатъийлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳарбийлар нутқининг босиқ ёки агрессив йўналишлари ҳам борки, буларсиз ҳарбий интизомни тасаввур қилиб бўлмайди. Шахсий таркиб командири вазият тақозосига кўра, уларнинг ҳар биридан фойдалана олиши муҳим. Командир бир вақтнинг ўзида бир кишига ёки минглаб ҳарбий хизматчилар-

га босиқлик ёки агрессивлик билан ўз фикрини теран ҳолда етказа олиши муҳим омил саналади. Ҳар икки вазиятда ҳам у инсон психологиясидан келиб чиққан ҳолда нутқ сўзлай олиши аҳамиятли.

Босиқлик билан ўз фикрини оммага етказиш буюк маҳорат саналади. Шунинг учун бундай нотиқлик санъатига эга бўлганлар камдан-кам топилади. Бундай шахслар жойи келганда ҳатто ўз душманларига ҳам худди шу кўринишда мурожаат этганлиги тарихдан маълум. Жалолиддин Мангуберди жанглardan бирида икки томондан кўп қон тўкилмаслиги учун душман саркардасини яккама-якка жанга чорлагани бунга мисол бўлади.

Агрессивлик нутқни душманга ёки шахсий таркибга нисбатан ғазаб кўринишида йўналишларга бўлиб ўрганиш мумкин. Тарихдан маълумки, кўплаб саркардалар кам сонли қўшин билан ўз қўли остидаги жангчиларни душманга нисбатан ғазаб ҳиссидаги нотиқлиги билан буюк ғалабалар сари етаклаган. Соҳибқирон Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ана шундай қобилият соҳиблари сифатида эътироф этилади. Улар кўп ҳолларда агрессив кўринишдаги нутқлардан қўшиндаги тартиб-интизомни кучайтиришда фойдаланишган. Энг муҳими, буюк саркардаларимиз жанглarda қўшиннинг ахлоқий-руҳий тайёргарлигидан келиб чиққан ҳолда, оқилона қарорлар қабул қилганлиги тарихдан маълум.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, нотиқлик санъати қайси соҳада бўлмасин, инсондан маънавий етуқликни талаб этади. Маънавиятдан беҳабар инсоннинг фикри саёз, нутқи таъсирсиз ва тушунарсиз бўлиш билан бирга фойдадан кўра зиёни кўпроқ тегади. Атрофдагиларга зиёнимиз тегмаслиги учун нотиқлик санъатининг ўзаги ҳисобланган нутқ маданиятини ўрганишдан тўхтамаслигимиз керак.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,  
«Vatanparvar»**



# Qaror va ijro

# ЭНДИ РЕКЛАМАЛАР ДАВЛАТ ТИЛИДА ТАРҚАТИЛАДИ

**Кўчаларимизда турли ташқи ёзувлар, рекламаларга кўзимиз тушади. Реклама материаллари жойлаштирилмаган телевидение, радио, ижтимоий тармоқлар йўқ бўлса керак. Хўш, реклама ўзинима? Нима учун керак? Нима учун бугунги кунда рекламалар пала-партиш жойлаштирилганига кўп гувоҳ бўляпмиз? Тарқатилаётган рекламаларнинг барчаси талабга жавоб берадими?**



**Гўзал ҚОДИРОВА,**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Рекламанинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадимий бўлиб, Юнонистон ва Қадимги Римга бориб тақалиши ҳақида маълумотлар бор. Ҳозирги шаклдаги реклама илк марта АҚШда пайдо бўлган. Реклама товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборотдир. Шунинг учун ҳам ишбилармон ва тадбиркорлар рекламаларга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Бу орқали маҳсулоти ҳақида оммага кенгрок маълумот етказишга ҳамда кўпроқ даромад олишга интилоқда. Лекин реклама тарқатишнинг ҳам қонун-қоидалари, меъёрлари борлиги ҳақида баъзан унутиб қўйяпмиз. Бунинг ортидан эса номақбул, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэтироф этилган нормаларига зид келувчи рекламаларга кўзимиз тушиб қолмоқда.

Рекламалар Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонун ва бошқа 10 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинади. 30 та моддадан иборат бўлган юқоридаги қонун ҳужжати 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган бўлиб, унга бугунги кунга қадар 16 маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Табиийки, яна тегишли тузатишлар киритиш вақти келган эди. Шу муносабат билан, «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг ривожланган бозорнинг талабларига мос келадиган янги таҳрири ишлаб чиқилди.

Жумладан, «Реклама тўғрисида»ги қонунда умумий тусга эга бўлган ва ишламайдиган нормалар мавжуд бўлиб, улар реклама фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган эди;

реклама фаолиятига қўйиладиган талабларнинг етарли эмаслиги, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг реклама соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган эди;

реклама объектининг хавфсиз бўлишига оид талаблар мавжуд эмас, жумладан, дори воситалари, биологик актив ва озиқ-овқат

қўшимчалари, болаларга мўлжалланган озиқ-овқатлар, тамаки, алкоғолли ва энергетик ичимликлар рекламасига нисбатан чекловлар назарда тутилмаганди;

рекламани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида вояга етмаганларни ҳимоя қилиш масалалари тўлақонли қамраб олинмаган эди; номувофиқ рекламалар учун қатъий таъсир чоралари белгиланмаган, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг оқилона танлови ва истеъмолчилик маданияти ривожланишига тўсқинлик қилаётган эди.

Ахлоқсиз ва номувофиқ рекламалар учун қатъий таъсир чоралари белгиланмаганлиги истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган ҳолатлар ҳам кузатилди. Кейинги йилларда бутун дунёда бўлгани каби республикамизда ҳам замонавий технологиялар, янги ва креатив реклама ва маркетинг усуллари, реклама ахборотини тарқатиш ва усулларининг ўзгача, яъни қонун билан тартибга солиб бўлмайдиган йўллари ортиб бормоқда.

Рекламанинг айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, истеъмолчиларни нотўғри рекламадан ҳимоя қилиш, реклама бозори иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жорий йил 7 июнда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири қабул қилинди. Унда рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатиш соҳасида бир қатор талаблар белгиланган. Қонун **8 та** боб ва **53 та** моддадан иборат.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда 30 га яқин хорижий давлат қонунлари, халқаро ҳужжатлар ва бошқа илмий нашрлар таҳлил қилинди.

**Ушбу қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, қонунга «Реклама тарқатиш тилига оид меъёрлар» киритилди**

Шу пайтга қадар амалдаги қонунимизда реклама тилига бўлган

талаб мавжуд эмасди. Яъни реклама уни берувчининг хоҳишига кўра, исталган тилда берилиши мумкин эди. Эндиликда рекламани дастлаб давлат тилида бериш қатъий белгиланяпти ва реклама берувчининг ихтиёрига кўра, бошқа тилларда ҳам айнан қайтарилиши мумкин.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкинлиги белгиланган.

**Янги таҳрирдаги «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг «Реклама тили» ҳақидаги 6-моддасида қуйидагилар белгиланган:**  
«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама **Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилади».**

Реклама мазмунининг таржимаси қуйидаги талабларга риоя этилган ҳолда бошқа тилларда такрор берилиши мумкин:

реклама мазмунининг бошқа тиллардаги таржимаси матни унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги керак;

ташқи реклама орқали жойлаштириладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошмаслиги керак;

рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни ҳарфининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши керак;

теле- ва радиоканалларда, шунингдек, босма нашрларда тарқатиладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси ҳар кунги умумий реклама ҳажмининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Ушбу модда биринчи ва иккинчи қисмларининг амал қилиши:

фақат чет тилларда эълон қилинадиган босма нашрларда ва ноширлик маҳсулотининг бошқа турларида жойлаштириладиган рекламага;

кўрсатувни (эшиттиришни) чет тилларда амалга оширувчи оммавий ахборот воситаларининг теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларини намойиш этиш (эшиттириш) жараёнида жойлаштириладиган рекламага;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги материалларни фақат чет тилларда жойлаштирадиган веб-сайтларнинг ахборот ресурсларига жойлаштириладиган рекламага нисбатан татбиқ этилмайди.

Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (ҳизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, рекламанинг тарқатиш тили бўйича қатор хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Жумладан, Украина, Грузия каби мамлакатларда рекламалар давлат тилида тарқатилса, Россия, Молдова, Корея ва Арманистон каби мамлакатларда давлат тили билан биргаликда реклама берувчининг ихтиёрига кўра, бошқа тилларда ҳам берилиши мумкинлиги белгиланган.

**Янги таҳрирда қабул қилинган қонун билан қуйидагилар белгиланган:**

**1)** қонун нормаларини қўллашда ноаниқликларга олиб келган айрим **тушунчаларга** аниқлик киритилди ва янги тушунчалар билан тўлдирилди;

**2)** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама давлат тилида тарқатилиши ва қўшимча равишда унинг таржимаси бошқа тилларда такрорланиши мумкинлиги белгиланди;

**3)** Вазирлар Маҳкамаси ва давлат органининг соҳани тартибга солишга оид **ваколатлари** ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг реклама соҳасидаги иштироки белгиланди;

**4)** қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда рекламага қўйилган талаблар кучайтирилди ва янги нормалар киритилди.

Хусусан:  
– мактаб дарслиги ва дафтарларида реклама жойлаштириш;  
– рекламада нархларни хорижий валютада кўрсатиш;





## МУАЛЛИМА

Дунёда касвлар кўп, ҳар бири ҳаётда ўз ўрни, аҳамияти билан қадрли. Улар орасида ўқитувчилик касби эъзозли ва ўта масъулиятли бўлиш бароварида фидойиликни ҳам талаб қилади. Чунки ҳар қайси инсон ўқитувчи қўлида савод чиқаради, мураввий ва устоздан таълим олади, тарбия топади.



Кўз нури ва қалб қўрини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни ҳар томонлама камол топтиришга бағишлаётган устозлар, муаллиму мураббийлар сафида дунёқарашни кенг, замон билан ҳамнафас, ғайрат-шижоатли ёшларимиз борлиги қувонарли, албатта.

...Бекатдан автобусга чиққан ёшгина йигит ва қиз бир қарашда тенгдошдек тасаввур уйғотди, иккови ҳам шу атрофдаги бирон лицей ёки коллеж ўқувчиси эканини уларнинг кийинишидан ҳам билиш мумкин: ўсмир йигит эгнига оқ кўйлак, қора костюм кийиб, бўйнига ихчамгина бўйинбоғ тақиб олган. Ёнидаги қиз ҳам ўқувчига хос сипоги кийим-бошда. Ҳар бирининг қўлида китоб-дафтар солинган сумка.

Этибор қаратганим учун эмас, тасодифан уларнинг ўзаро суҳбати қўлоғимга чалиниб қолди. Шунда қисман янглишганим маълум бўлди. Нозиккина қиз жуда ёш кўринишига қарамасдан, инстинктни тугатиб, коллежда ўқитувчи бўлиб ишлаётган экан. Бир оз тортиниб, унга «устоз», дея мурожаат қилаётган ўсмир йигит эса чиндан ҳам коллеж ўқувчиси.

Аввалига узук-юлуқ туюлган гап-сўзлар бир-бирига боғланиб, воқелик ойдинлаша бошлади. Қиз дастлаб коллежга келганида, раҳбарият унинг ғайрат-шижоатига ишонганми, тартиб-интизоми бўш, фанлардан ўзлаштириши паст ўқувчилар гуруҳини унга топшириб қўйишибди. Бу гуруҳдан ҳатто тажрибали ўқитувчилар ҳам безор, ота-оналар фарзандлари ортидан гап эшитавериб, безиллаб қолишган экан.

Шундай мураккаб вазиятда нозиккина қиз таълим-тарбияни ўқувчиларнинг кўнглига йўл топишдан бошлайди. Ҳар бирини қўллаб-қувватлаб, фазилатларини кўрсатишга ундайди. Ўқитувчилар орасида, раҳбарият олдида ҳам уларнинг тарафини олади. Куйиб-пишиб қилган ҳаракатларига яраша энг қоқоқ, энг тўполончи ўқувчиларнинг ҳам меҳрини қозонади. Натийжада ушбу гуруҳ машғулотларда бирдан фаоллашади, фанлардан юқори баҳо олиб, тартиб-интизомда ҳам бошқаларга ўрнак кўрсатади...

– Сиз келганда тўполончи эдиг-а? – деб сўради ўсмир йигит устозидан.

– Йўқ, тўполончи эмас, бир оз шўхроқ бўлган-сизлар.

– Фанлардан яхши эмасдик...

– Ундай эмас, озгина кунт етишмаган, холос...

Ёшгина ўқитувчи қизнинг педагогик маҳоратини қаранг: ўқувчисининг ҳар бир саволига бераётган жавобида ҳам самимият акс этади. Бундай устозларга эргашган ўқувчилар пухта билим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, ўз орзу-мақсадларига эришишига ҳеч ҳам шубҳа қилмаймиз.

Дарвоқе, газетхонларга ўша ўқитувчи қизнинг исм-шарифини, айнан қайси коллежда ишлашини айтишни жуда-жуда истагандим. Автобусда ўзидан сўрай десам, ноқулай вазиятга тушиши мумкин. Бекатда тўхтатиб саволга тутиш ҳам ўринсиз эди, назаримда. Шундай экан, келинг, ёш муаллимага педагогик фаолиятида омад тилаб қоламиз.

Суюндик МАМИРОВ,  
журналист

– ахлоқ ва маънавиятнинг умумэтироф этилган нормаларига зид келувчи шакл, ибора ва образлардан фойдаланиш;

– товар (иш, хизмат)нинг асосий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчидан яшириш;

– ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини кўрсатмасдан реклама қилиш тақиқланмоқда;

5) электрон тижоратда маҳсулот рекламаси, ташқи реклама объектларини ўрнатиш ҳамда ички реклама тушунчаси тартибга солинди;

6) истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлиги билан боғлиқ маҳсулотлар (дори воситалари, биологик фаол озукавий қўшимчалар, энергетик ичимликлар, халқ таботати маҳсулотлари, тамаки, чилим, алкоголь маҳсулотлари, пиротехника воситалари, қурол-яроғ) рекламасига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилди, хусусан:

– бундай озик-овқат маҳсулотлари зарарсиз ва инсон саломатлиги учун фойдали эканлиги тўғрисида таъкидлаш;

7) қимматли қоғозлар, молиявий ва аҳолининг пул маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ хизматларни реклама қилиш тартибга солинди;

8) қонунга вояга етмаганларни рекламадан, хусусан, унинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ва рекламада вояга етмаганлар иштирокини чекловчи янги нормалар киритилди.

Яъни:

– вояга етмаганларни хавфли вазиятларда кўрсатиш;

– реклама қилинаётган маҳсулотга эга бўлмашлик тенгдошлари ва жамоатчилик орасида камситилишига олиб келиши ҳақида тасаввурни шакллантириш;

– кундалик овқатланишлар сонини кўпайтиришни ёки асосий озик-овқатларни енгил озик-овқатлар, қандалат маҳсулотлари ва бошқалар билан алмаштиришни рағбатлантирувчи рекламага йўл қўйилмайди;

9) телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникация, жумладан, мобиль алоқа тармоқларида реклама жойлаштириш тартиби такомиллаштирилмоқда, хусусан: барчамиз фойдаланадиган мобиль алоқа телефон рақамларига рекламали СМС хабарлари юбориш ёки реклама бериш мақсадида кўнғироқ қилишга агар, абонентнинг олдиндан розилиги олинмаган бўлса, йўл қўйилмаслиги белгиланди;

10) янги қонунда дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар рекламасига қўйилган қатъий талаблар келтирилди;

11) қонунда тамаки маҳсулотлари билан бирга, чилим, электрон сигареталар ва чекишда фойдаланиш учун мўлжалланган воситаларни, шунингдек, никотинли маҳсулотларни, пиротех-

ника воситалари ва ҳарбий буюмларни реклама қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда;

12) бугунги кунда рағбатлантириш тадбирларини ўтказиш товарларни (хизматларни) илгари суришнинг энг самарали усулига айланмоқда. Бироқ бундай тадбирларни ўтказиш учун кўзда тутилган талаблар истеъмолчиларнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирмайди. Бундай тадбирларни ўтказишда баъзан алдов ҳолатлари мавжуд.

Шу сабабли қонунга амалиёт ва хорижий тажриба таҳлили асосида рағбатлантирувчи реклама акцияларини ташкил этиш ва ўтказишга оид нормалар киритилди;

13) яна бир янгиликлардан бири, бу халқ таботати усуллари ва маҳсулотлари рекламасини тартибга солувчи меъёрлар белгиланди;

14) қонуннинг эски таҳририга мувофиқ, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бу эса қонунбузарлик ҳолатларини камайтиришга ва жавобгарлик нормасининг қатъийлигига хизмат қилмайди.

Шу муносабат билан, айрим ҳолатларда, хусусан, тақиқланган (тамаки, алкоголь, гиёҳванд, наркотик, порнографик, қурол) маҳсулотни реклама қилганлик, нотўғри реклама берганлик, дори, энергетик ичимлик рекламасига қўйилган талабларни бузганлик учун юридик шахсларга молиявий санкция қўллаш белгиланди.

Номувофиқ рекламалар учун қатъий таъсир чоралари белгиланмаган, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг оқилона танлови ва истеъмолчилик маданияти ривожланишига тўсқинлик қилмоқда ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда.

Шунга кўра, «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларини бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача молиявий санкция қўллаш назарда тутилган.

Албатта, ҳар бир рекламалар товарлар, иш ва хизматлар ҳақида бўлишидан қатъи назар, «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларига жавоб бериши шарт. Рекламалар инсон ҳаёти, соғлиғига хавф солмаслиги зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб, муомала харажатида реклама харажатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлар эдикки, тарқатилётган рекламалар «Реклама тўғрисида»ги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос равишда ўрнатилиши ҳам тадбиркорларга, ҳам истеъмолчига фойдали бўлади.

Эслатиб ўтамиз! Янги таҳрирдаги қонун 2022 йилнинг 9 сентябрь санасидан кучга кирди.

# Okruglardan xabarlar

## НУРИСТОНДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисмлар томонидан ўқувчи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида кўплаб учрашувлар, саёҳат ва турли тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.



Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Нишон тумани Нуристон гарнизонидаги ҳарбий қисмда ташкил этилди. Худуддаги бир қатор мактабларнинг ўқувчилари учун очик эшиклар куни ўтказилди.

Ёшлар бу ерда Ватан посбонларига яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, ўқув синфлари ва кутубхона кўздан кечирди.

Шу куни юрт ўғлонлари ва ўқувчилар ўртасидаги суҳбатлар истиқлол шукронаси, она Ватанга садоқат мавзуларида кечди. Ташриф якунида меҳмонлар келажакда ҳарбий хизматчи бўлиш истагини кўнгилларига тугган бўлса ажаб эмас.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати

## ЁШЛАР ҲАРБИЙ ҚИСМ МЕҲМОНИ

Шарқий ҳарбий округ Фарғона гарнизонидаги ҳарбий қисмда Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни муносабати билан ёшлар учун очик эшиклар куни ташкил этилди.



Унда округ Фахрийлар кенгаши аъзолари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Фарғона ҳарбий прокуратураси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Темурбеклар мактаби», Чақирилувчиларни ҳарбий техник мутахассислик бўйича тайёрлаш маркази вакиллари, Фарғона туманидаги мактаб ўқувчилари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбир давомида ёшларга ҳарбий хизматчилар томонидан, парашютни тахлаш тартиблари, ҳаво десант шаҳарчасида амалий машғулотлар, фахрий қоровулнинг туркум чиқишлари намойиш этилди.

Ташкилотчилар ёшларга ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар, келажакда ҳарбий хизматчи бўлиш учун ҳозирдан нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Таъкидлаш кераки, бундай маънавий-маърифий учрашувлар ёшлар билан мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати

## «ТЕМУРИЙ ИЗДОШЛАРИ»ГА ЯНГИ БИНО

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини яратиш мақсадида Жиззах шаҳридаги «Темурий издошлари» нодавлат таълим муассасаси учун янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда ушбу нодавлат таълим муассасаси ўртасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланганди. Унга кўра, вазирлик ва таълим муассасаси шу кунга қадар ҳамкорликда кўплаб йўналишларда тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Хусусан, ушбу ўқув биносининг қурилиш ва таъмирлаш ишларида ҳам Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан юрт ҳимоячиси бўлишни мақсад қилган ёшлар учун ўқув синфларини жиҳозлаш ва ўқув-моддий базасини янгилаш ишлари амалга оширилди.



Тантанали очилиш маросимида Жиззах шаҳар ҳокимлиги, округ қўмондонлиги, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини янги ўқув биноси билан табриклади.

Тадбир давомида Жиззах гарнизонидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари томонидан қўл жанги ва фахрий қоровулнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилгани ҳамда ҳарбий оркестр жамоалари томонидан куйланган тинчликни улугловчи куй-қўшиқлар ҳақиқий байрам кайфиятини улашди.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

## ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ҚУВОНЧИ



Тошкент шаҳридаги Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм шахсий таркиби билан Мирзо Улуғбек туманидаги 77-сонли «Нурли маскан» ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳамда Олмазор туманидаги 106-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатда меҳр-мурувват тадбири ўтказилди.

Кўриш ва эшитишда нуқсонли бўлган болалар қалбини тоғдек кўтариш, келажакка ва ўзига бўлган ишончини шакллантириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда фақат тиллар эмас, диллар ҳам сўзлашди.

Имконияти чекланган болаларнинг ҳам соғлом тенгдошлари сингари қалби, меҳрга бўлган эҳтиёжи, яшаш ва ҳаётга бўлган муҳаббати улкан. Шу боис ҳам махсус мактабда тарбияланувчи ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб чиқилди ва муаммоли масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар қилинди.

Мазкур махсус мактабларнинг ҳозирги кундаги эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўзи ожизлар учун зарур бўлган махсус «БРАЙЛ» шрифтидаги дафтарлар, майшии техникалар, чойшаблар ҳамда хўжаликда ишлатиладиган ускуналар мактаб маъмуриятига топширилди.

Тадбир сўнгида полковник Журъат Якубов сўзга чиқиб, ушбу мактаблар билан доимо ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирди. Учрашувларнинг самимий ва дўстона кечганини сўзга чиққан тарбияланувчиларнинг кайфиятидан билиш мумкин. Ҳарбий хизматчилар билан учрашувдан завқланган ёшларнинг қувончи чексиз бўлди.

## БИАТЛОНДА КУЧ СИНАШУВ

«Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгашида ёзги биатлон бўйича йигитлар ва қизлар ўртасида вилоят биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Қизгин ва баҳс мунозараларга бой натижалар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Якуний ҳисобда ғолиблар номи эълон қилинди.



Умумий натижаларга кўра, фахрли биринчи ўринни Чирчиқ автомобиль мактаби эгаллаган бўлса, иккинчи ўринни Ҳазалкент ЎСТК жамоаси, учинчи ўринни эса Паркент ЎСТК спортчилари қўлга киритди.

Барча ғолиблар «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгаши томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

## # Dolzarb mavzu

– Assalomu alaykum, boy ota!  
– Vaalaykum assalom!  
– Eshitingizmi, boy ota? Toshkonga talabalar kelgan emish...  
– Xo'sh, innankeyin-chi?  
– Ular yashashga joy topolmay, ko'chada uxlayotganmish.  
– Xo'sh, innankeyin-chi?  
– Shahar chekkasidagi hali qurilishi bitmagan hovlingiz bor-ku, o'shanga talabalarni ijaraga qo'ysangiz.  
– Xo'sh, innankeyin, u hovlini eshik derazasiyam yo'q-ku?!  
– Nima bo'пти? To'rt tarafga g'isht qalaganmisiz, bo'ldi-da. Hozir shahardagi talabalarga shunaqasi ham anqoning urug'i. Har holda bekor turgandan ko'ra, oyma-oy "do'llar" eshigingizni qoqib turgani yaxshi emasmi? Yanayam savob bo'ladi. Saxiyligingizdan xalq oldida obro'yingiz yanayam baland bo'lardi, deyman-da, boy ota!  
– Mayli, unda eshik-derazasi o'rniga eski-tuski matodan boylab beringlar. Ha, aytganicha, ijara pulini kechiktirmasin tag'in. Shu kunlarda yana bir mashina olmoqchi bo'lib yuruvdim. Pulini shunga ishlataman...



# TALABALARGA OR KELAYOTGAN OSHKENT

Talabalar uy topolmay, ko'chada yotib yurishi, shaharga talabalar qaytishi bilan jamoat transporti o'zini eplay olmay qolishi, tirbandliklar... Har yili Toshkent yangi o'quv yilini shu ko'rinishda kutib oladi. Muammoning sathi keng, undan minglab talabalar qiynalayotgan bir vaqtda mavzuni qayta-qayta jonlantirish o'rinlidir. Zora, talabalar mushkuli osonlashadigan yengilliklar shamoli esib qolsa.

Har yili yangi o'quv yili boshlanishi bilan azim Toshkent talabalar bilan gavjumlashib, poytaxtda hayot sur'ati jadallashadi. Talabalikning zavqi o'zgacha, gashti bo'lak. Shu qatori tashvishi ham. Shunday muammolarning dastlabkisi turar joy masalasidir. Bu vaqti-vaqti bilan muhokamalar markaziga chiqsa-da, aslida yil bo'yi dolzarbligini yo'qotmaydi. Nafaqat poytaxtda, balki boshqa yirik shaharlarda ham ijaraga turarjoy topish azaldan muammo bo'lib kelgan. Ayniqsa, boshqa hududdan kelib, o'qishni endigina boshlagan talabalar bundan qattiq aziyat chekishadi. Bugungi kunda minglab talabalar poytaxt va boshqa markazlarga ilm istab oqib kelmoqda. Natijada doim kuzatiladigan ajiotaj qayta boshlanayotir. Shaharga endigina kelgan talabalar vaqtincha yashashi uchun ikkilamchi uy bozoriga murojaat qilishiga to'g'ri keladi. U yerdagi manzara esa mana bunday:

...“Studenti, privet. Kvartira net”.  
“Studentga uy berilmaydi”.  
“Studentam ne sdayu”...

## KEYIN KECH BO'LADI

Aytishingiz mumkin, bugungi Toshkent kechagisidan tubdan farq qiladi. So'nggi yillarda poytaxtimizda ko'plab uylar, do'konlar, ko'ngilochar maskanlar va hattoki butun bir boshli “Shahar ichidagi shahar” loyihalari ham amalga oshirilmoqda. Tirbandliklarning oldini olish maqsadida logistik yo'llar kengaytirilib, yangi avtobus yo'nalishlari ochilmoqda. Avval aytganimizdek, poytaxtning kechagi qiyofasi tasavvuri bilan bugungi Toshkentni tanimay qolasiz. Oxirgi yillarni tahlil qiladigan bo'lsak, yurtimizda oliy ta'lim muassasalari soni

keskin oshdi. Bu, albatta, yaxshi. Ammo talabalarni yotoqxona bilan ta'minlash, ularning sifatli ta'lim olishlari uchun qulay shart-sharoitlarni yaratib berish borasida bajarilishi lozim bo'lgan ishlar talaygina. Bir narsa aniqki, bugun tahsil olayotgan talabalar soni bilan ular uchun ajratilgan turarjoylar soni bir-biridan katta farq qiladi. Bu esa mavjud muammolarni o'z vaqtida bartaraf etishni talab etmoqda. Agar bu masalalar bugun o'z yechimini topmasa, kelajakda uning ko'lami ulkanlashib boraveradi.

Ikkilamchi uy bozorida yangi o'quv yili boshlanishi bilan talab birdaniga oshib, ijara narxi ham ko'tarilib ketdi. Boz ustiga, aksariyat uy egalari talabalarni ijaraga qo'yishni istamaydi. Ular ko'p hollarda uyini qonuniy nikohdan o'tgan oila uchun ijaraga berishni afzal biladi.  
– Uy egalari ko'pincha oila so'rashadi, – deydi “Farhod” dehqon bozori hududida joylashgan “Uy bozor”dagi maklerlardan biri. – Talabalar tozalikka rioya qilmasligi, uyga notanish odamlarni olib kelishidan shikoyat qilishadi. Ular aksariyat hollarda uy egasining ishonchini yo'qotgan, kommunal to'lovlarni esa vaqtida to'lamaydi.

– Kechirasiz-u, talabalar 3-4 kishi turamiz, deydi-da, 8-10 kishi bo'lib ketadi. Hammayoqni chirk bostirib yuboradi, – deydi uy egalardan biri.

Uyni yaxshi saqlamaydigan, betartib talabalar kasriga orasta yashovchi ko'plab talabalar buning og'ir shakldagi badalini to'lashga majbur bo'lmoqda: arzon, qulay hamda universitetga yaqin bo'lgan joydan uy izlash yoki u uydan bu uyga ko'chish bilan qimmatli vaqtlarini o'tkazish...

Poytaxt talabalarni eplay olmayotgani, qabul qilishga qiynalayotgani 2021-yil yanvarida, pandemiyadan so'ng an'anaviy ta'lim qayta tiklangan vaqtda birinchi marta ko'zga yaqqol tashlangandi. O'shanda tezkor choralar qidirilib, qat'iy topshiriqlar berilgan, masalaga yechim izlangandi. Shunga ham ikki yil bo'ladi yaqinda. Lekin muammoning yechimidan darak yo'q. Agar xohish yoki qat'iy topshiriq bo'lsa, ba'zi inshootlarni, butun boshli mahallamavzelarni, 20-30 qavatli binolarni bir yilga qolmay qurib tashlashyapti.

Lekin afsuski, masala talabalar uchun ijaraga bersa bo'ladigan arzon uylar, yotoqxonalar qurishga kelganida, o'sha istak uyg'onmaydi.

## IJARAGA XONADON YO'Q EMAS, LEKIN...

Hozir Toshkent shahridan 1 xonali ijara uylarni hamyonbop narxda topishning deyarli imkoni yo'q. Bir xonali, metrodan ancha uzoq, transport borishi qiyin joylardagi uylarni 250 dollardan ijaraga beryapti. Boz ustiga, ijarachi uyga faqat 2 kishini qo'yadi. Bu 1 kishiga 125 dollardan to'g'ri keladi degani. Aytishingiz mumkin, nega endi ijara haqi so'mda emas? Odatda ijara haqining dollarda hisob-kitob qilinishi uy egalarning talabi bo'ladi. Dollar kursi esa doim beqaror. Kurs oshsa, talabning ijara xarajatlari ham oshadi. Xonadon kommunal to'lovlari uchun esa qo'shimcha to'lov qilishga to'g'ri keladi. Darvoqe, makler haqi ham bor. Uy bozoridagi qoidaga ko'ra, maklarga birinchi oydagi ijara pulining yarmi to'lanadi. Ya'ni ijara haqi 250 dollarga kelishilsa, maklarga 125 dollarni to'lab qo'yishingiz kerak.

## NAZARIY TOMONDAN G'OYALAR BOR, AMALIYOTDA-CHI?

Mazkur muammo yuzasidan 9-sentabr kuni oliy ta'lim vaziri Abduqodir Toshqulov talabalarni turarjoy bilan ta'minlash muammosiga bag'ishlangan matbuot anjumanini o'tkazdi. Unda bugungi kunda turarjoyga ehtiyoji bor talabalarning 47 foizi uy-joy va yotoqxonalar bilan ta'minlanganini, respublikada jami oliy ta'lim muassasalari yotoqxonasida 91 ming talabaga joy bor ekanini, OTMlarda o'quvchi 211 ming nafar talabaning esa turarjoyga ehtiyoji borligini ta'kidladi.

## XORIJ TAJRIBASI

Yurtimizdagi ko'pchilik universitetlar shahar markazida joylashgan. Shuning uchun ham ularning atrofidagi uylar qimmat. G'arbda esa, masalan, asosiy

kampuslar shaharlar chetida bo'ladi, toki, talabning fikri chalg'imasin, yotoqxona qurish oson bo'lsin yoki arzon uy topishga qiynalmasin.

Yaponiya universitetlarida 3 millionga yaqin talaba tahsil oladi. U yerdagi talabalar ko'chmas mulk bozori uchun jozibali mijozlardan biri sanaladi. Iqtisodda esa shunday qonuniyat bor: talab bor joyda taklif ham bo'ladi. Ya'ni har qanday mahsulotga yuqori talab bor ekan, uni taklif qiluvchilar va buning ortidan daromat oluvchilar sinfi shakllanadi. Shuning uchun ham Yaponiyada bir kishilik “talabalar uylari” juda keng tarqalgan. Bularni davlat ham, universitet ham qurmaydi. Bu ishlar bilan asosan xususiy firmalar shug'ullanadi. Xonalar kichik va tor bo'lishiga qaramay unda barcha sharoitlar yaratilgan. Bunday uylarga talabalar tez ko'nikadi. Asosiysi, ularni turarjoy yetishmasligidan kelib chiquvchi beqarorlik va bir uyda haddan ziyod ko'pchilik bo'lib turish kabi muammolar qiynamaydi. Ular ilm olishdan chalg'imaydi.

## TEZKOR YECHIM ZARUR

Toshkent shahri mutasaddilari ham OTM rahbarlari, xususiy sektor va banklar bilan birgalikda bu masalada kompleks yechim choralarini topishlari, chet el tajribalarini qo'llashlari lozimdek ko'rinmoqda. To'g'ri, shahar hokimiyati tomonidan bo'sh turgan savdo majmualarini tezkorlik bilan talabalar uchun turarjoyga aylantirish borasida sa'y-harakatlar ko'zga tashlanyapti. Ammo bu yetarli emas. Ijaraga qo'yiladigan uylar haqida yetarlicha ma'lumot beruvchi onlayn platformalarni ham yanada shakllantirish lozim. Toki talabalar ortiqcha tashvishlarsiz, xotirjam ravishda asosiy e'tiborlarini ta'lim olishga qarata olsinlar. Shuningdek, universitetlar yotoqxonalarni ko'paytirishi yoki xususiy sektor imkon qadar ko'proq talabalarni yotoq bilan ta'minlay oladigan ko'p qavatli turarjoy binolarini qurishi bilan ham bu masala ijobiy tomonga o'zgarishi mumkin.

**Sherzod EGAMBERDIYEV,**  
«Vatanparvar»

## # Meros



**Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда салкам 8 мингга яқин маданий мерос объектлари давлат ҳимоясига олинган: 2 330 таси меъморий обида, 3 940 тадан ортиги археологик объект, 1 138 таси маҳобатли ёдгорлик, 157 тадан ошиғи муқаддас зиёратгоҳдир. Булар ўрганилгани. Изланувчан олимлар томонидан ҳали ўз тадқиқотчиларини кутаётган милоддан аввалги минг йилликларга оид тупроқ остида ётган қалъалар ва осори атиқалар сони беҳисоблиги айтилади. Демак, биз яшаб турган ҳудуд, Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон деб аталган юрт инсоният тараққиётидаги муҳим марказлардан бири бўлган.**

## ДУНЁНИНГ МАШҲУР ХАЗИНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН

# ЎЗБЕКИСТОН БОЙЛИКЛАРИ

Бугун кўпчилик Америка ёки Ғарб давлатларига интилгани каби бир пайтлар инсоният Туркистонга интилар, дунё жаҳонгирларини сеҳрли диёр каби ўзига чорларди. Бунга Тарих аталмиш оқсоқолнинг ҳар қадамда гувоҳи бор. Қадимий қўлёмалар ва бошқа манбаларда битилган воқеа-ҳодисалар, Ўзбекистон ва дунёнинг машҳур музейлари, галереялар, шахсий коллекцияларда сақланаётган Туронга оид минглаб маданий мерос ашёлари – қўлёмалар, сопол, темир, мис, кумуш, тошдан ясалган буюмлар, тасвирий ва амалий санъат намуналари, деворий ранг-тасвир, терракота, ҳайкалтарошлик асарлари, ҳарбий аслаҳа ва анжомлар, қурол-яроғлар ҳам фикри-мизни далиллайди.

Ўтмишдан сабоқ олиб илгари қадам босиш киши руҳига қувват, фаросатига куч бериш билан бирга илмини ҳам зиёда қилади. Шу маънода бундан бир неча йил олдин хориж музейлари, кутубхона ва шахсий галереяларда сақланаётган мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганди. Марказ ўтган давр мобайнида хорижда сақланаётган Ўзбекистонга оид 6 минг 100 дан ортиқ маданий бойлик намуналарини аниқлаб, уларнинг илмий тавсифини амалга оширди. 60 фоизга яқини моддий маданият буюмлари, 40 фоизи қўлёмалар ва миниатюралардан иборат бу ашёларнинг асли дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида сақланади. Айримларини қуйида келтирамиз:

Лондондаги Виктория ва Альберт музейида – ўтган асрнинг 30-йилларида Амударё соҳилларидан топилган, «Амударё хазинаси» деб аталган, олтиндан ишланган, милодий эра бошларига оид деб ҳисобланган ноёб буюмлар мажмуаси.

Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида – Қўйқирилган қалъа ва Тупроқ қалъадан топилган милоддан олдинги IV-III асрларга оид деворий ранг-тасвир асарлари, ёзувлар намуналари, ҳайкаллар.

Термиз яқинидаги Айритом ёдгорлиги ҳудудидан топилган, милодий эранинг I асрига оид мергелли оҳақтошдан ясалган, созандалар тасвирланган Айритом фризи.

Стокгольмдаги халқ амалий санъати музейида – XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидан йиғилган Ўзбекистон амалий санъатининг ўрта асрларга мансуб ниҳоятда бой коллекцияси.

Вашингтондаги Фрир бадиий галереясида – тарихий бадиий гулдор ипак матолар коллекцияси.

Германиядаги музейлар ва шахсий коллекцияларда – қадимий нафис сўзанадлар.

Сан-Франциско шаҳридаги Узоқ Шарқ санъати музейида – Афросиёбдан олиб кетилган ўрта асрларга мансуб кулолчилик буюмлари намуналари ва Амир Темур авлодлари номлари ёзилган олтин тамгалар ва муҳрлар.

Франциянинг дунёга машҳур «Лувр» музейида – Ўзбекистонга оид тахминларга кўра, 13 мингдан ортиқ ноёб маданий мерос намуналари.

Аксарияти милоддан олдинги даврлар – 2,5-3 минг йиллик тарихга оид археологик топилмалар, осори атиқалардан иборат ана шундай бойликларнинг яна бир қисми Франциянинг Миллий кутубхонаси, Бордо шаҳридаги Дунё халқлари этнографияси музейи, Араб дунёси институти, Осиё санъат музейи, Ислом маданияти институти, Туркия музейлари фондларида ҳам сақланмоқда.

2017 йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» деб номланган халқаро конгрессда иштирок этган хорижлик олимлар ва музейшунослар ушбуларни гапирган эди.

**Шарқ давлат музейининг бош директори Александр Седов:**

– Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудлари инсоният тамаддунининг энг қадимий марказларидан бири саналади. Унинг бағрида минглаб йиллик тарихга эга ёдгорликлар ва бебаҳо маданий осори атиқалар сақланади. Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия, Чоч, Довон ҳудудларидаги турли даврларга, айниқса, олис ўтмишга оид осори атиқаларнинг бир қисми Россия музейлари хазиналаридан ўрин олганлиги аниқ. Улар орасида Эрмитаж, Третьяков галереяси, Дин тарихи давлат музейи, Шарқ қўлёмалари институти хазиналари алоҳида ўрин тутди. Айтайлик, Россия этнография музейида Ўзбекистон билан боғлиқ 20 мингдан ортиқ осори атиқалар Шарқ қўлёмалари институтида 4 мингга яқин қўлёмалар, Россия Миллий кутубхонасида 3 500 дан кўп нодир қўлёмалар мавжуд.

**Берлин давлат кутубхонаси Шарқий департаменти директори Кристоф Раух:**

– Германиядаги музейлар ва кутубхоналарда ҳам Ўзбекистондан бориб қолган нодир маданий мерос намуналари кўп. Масалан, кутубхонамизнинг Шарқий бўлимида 43 мингга яқин қўлёмалар бўлса, шунинг 17,5 мингдан ошиғи ислом маданияти, ўзбек халқи тарихи билан боғлиқ. Берлин этнография музейида ниҳоятда ноёб бўлган мингга яқин санъат асари, Пергам музейида Самарқанд ва Афросиёб билан боғлиқ энг қадимий сопол буюмлар, қурол-яроғлар намуналари, Бухоронинг ўрта асрлар тарихига оид намуналар, Дрезден давлат бадиий тўпламларида 517 та қадимий экспонат бор.

**Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори ўринбосари Шохин Мустафоев:**

– Кўп йиллар илгари Бельгия музейларидан бирида араб тилида «Зандана» сўзи битилган, X-XI асрларга оид мато аниқланди. Ўша пайтда музейшунослар бу мато араб мамлакатларида тўқилган деб хулоса чиқаргандилар. Лекин кейинги илмий маълумотлар туфайли бу мато Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғида тўқилганлиги маълум бўлади. Ўзи Шарқ бозорларида ўрта асрларда «Дамашқ қиличи» деб номланган қурол

машҳур бўлган. Бу қуролни ҳам санъатшунослар дастлаб Шом ўлкасида ишлаб чиқарилган, деган хулосага келганлар. Кейинчалик инглиз олимлари олиб борган изланишлари натижасида ушбу қилич Фарғона водийси, Чоч воҳасида, шу ерда қазиб олинган пўлатдан тайёрлангани аниқландилар. Ўхшаш Германиянинг «Мерседес-Бенз» компанияси вакиллари Бағдод музейларидан бирида милодий эранинг VII-VIII асрларига мансуб тилларанг кўринишга эга қалай металл ишлатилган учратадилар. Бу металлдан тайёрланган пластинкалар билан ўрта асрларда уйларни, кўчаларни безатишган экан. Ушбу қалай ҳам аввал Ироқда қазиб олинган, деб хулоса чиқарилган. «Мерседес-Бенз» компаниясининг археологик изланишлари натижасида ушбу қалай металл ватани Самарқанд яқинидаги Қарнаб конлари эканлиги аниқланди.

Дунёнинг машҳур хазиналарида сақланаётган Ўзбекистоннинг маданий бойликлари бўйича тадқиқот олиб бораётган олима, тарих фанлари доктори Дилафрўз Қурбонованинг ишлари таҳсинга лойиқ. Унинг дастлабки илмий-тадқиқот иши «Хориж музейларида сақланаётган Темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар» мавзусида эди. Унинг ушбу мавзудаги изланишлари ва хориж сафарлари натижасида буюк бококалонимиз ва унинг авлодларида тегшили ашёлар Европа, Осиё, Африка қитъаларидаги 24 та музейда сақланаётгани, уларнинг умумий сони 273 та эканлиги аниқланди. Темурийлар тарихий-маданий меросининг салмоқли қисми Санкт-Петербург давлат Эрмитажи, Озарбайжон миллий музейи, Берлин амалий санъат музейидан жой олган.

Ўзбекистоннинг қадим ўтмишига оид хорижликлар ҳайратига сабаб бўлган аждодларимизнинг ҳаёти, илми, қаҳрамонликлари, фазилатлари ҳақида хабар берувчи тарихий ашёлар бугун инсоният мулкига айланган. Бу мулк ишонамизки, кўп йиллар давлатлар бирлашувига, миллатларнинг бир-бирини англашига, ҳурмат қилишига, эзгуликнинг ёйилишига хизмат қилади.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**

Ўзбекнинг улуғ шоири Шавкат Раҳмон  
таваллудига 72 йил тўлди



# ШОИР — «ТУЗАЛМАС» ҲАҚИҚАТПАРАСТ

Ҳар давр ўзидан аввалги ёки кейингисидан қайси бир жиҳати билан ажралиб туради. Ҳар даврнинг ўз қиёфаси, юриштириши бўлади. Айни ўзгачалик кўпинча шу даврда яшаган инсоннинг умумий кайфиятини белгилайди. Зеро одамзоднинг хаёли ҳар қанча учқур бўлмасин, у ўз даврининг кўринмас ришталаридан батамом узилиб кетолмайди. Шу маънода XIX асрнинг қарийб иккинчи ярмидан XX асрнинг сўнгги ўн йилига қадар давом этган узун муддат ҳар хил шаклларда турланишига қарамай, моҳиятан истиқдод даври бўлди. Ва бу истиқдодни англаб етган шоир ҳоҳ у, ҳоҳ бу кўринишда бўлсин, озодликни қўйлади, истиқлолга етишни орзу қилди, халқни шунга чорлади. Чунончи, асримиз аввалида Чўлпон «Кишан кийма бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!» деб ҳайқирган бўлса, аср поёнига яқинлашганда Шавкат Раҳмон «Сурилар бу темир пардалар, Истиқдоднинг туғлари қулар» деб башорат қилди.

Чўлпон шеърини бағридан бошдан-оёқ юрт озодлиги чизиғи узилмай ўтганидек, Шавкат Раҳмон шеърини ҳам истиқлол ғояси марказий ўринлардан бирини ташкил этади. Унинг «Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шоир, бир куни қайтадан яраладимиз? Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб, сайладим сўзларнинг сараларини. Ҳар бир сўз юз сўзнинг ўрнини босар – Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик» деб ёзиши бежиз эмас. Чунки бу сўзларнинг ҳар бири шоир ҳаёти маъносини ташкил этгани ҳақиқат. Албатта, бугун истиқлолга эришган юртда яшаётган, айниқса, ёш замондош учун бундай сўзлар бир қадар баландпарвоздек, асл ҳаётдан узокроқдек туюлиши мумкинлигини мен жуда яхши тушунаман. Чунки сўзимнинг аввалида таъкидлаб айтганимдек, бугун давр бошқа, унинг кишилар зиммасига ортаётгани юк бошқа. Лекин унутмаслигимиз жуда-жуда зарурки, бугун юзага келаётган ҳар қандай «бошқачалик» айнан Ватаннинг Озодлиги билан, Халқнинг ўз келажаги йўлидаги

Жасорат ила Курашмоғи билан триқдирки, бу маъноларни ўз бағрига жо қилган сўзларни Шавкат Раҳмон бир мисрага тизган:

**Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик.**

Шавкат Раҳмон «Рангин лаҳзалар» – илк тўплами биланоқ шеърини ўз сўзи билан кириб келди. Китобнинг 11-саҳифасидаги шеърга эътибор беринг:

*Елкамда  
Қақишаган асрлар юки:  
Кишанлар,  
Фарёдлар,  
Сўнгсиз урушлар...  
Мен қадам ташлайман*

*чайқалиб, секин,*

*Оғриқдан юзларим буришар...  
Йиқилмак,  
тўхтамак мумкинмас!  
Қаерга бўлса ҳам юрганам яхши...  
Менинг ҳар қадамим муқаддас,  
Ўлимга қариш.  
(1976)*

А. Михайловга бағишланган бу шеър ҳам ўша йили – 1976 йилда ёзилган. Лекин унда шоир «Елкамда қақишаган асрлар юки: Кишанлар, Фарёдлар, Урушлар...» демоқда. Демак, у ҳуррият олами – кўнгилдан ер юзига тушиб, унинг ҳолига назар ташламоқда. Ва талай муаммоларга – ҳаётнинг реал зиддиятларига рўбарў келмоқда. Нафсиламрини айтганда биз таниган, тўғрироғи, бизга ўзини танитган шоир – Шавкат Раҳмон айнан шу ердан бошланади. Яъни Шавкат Раҳмон деб аталган ва XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутган шоир ҳар нарсадан олдин жамиятдаги ижтимоий адолатни тиклашга интилган, бу йўлда ёниб-куйиб ижод қилган ҳақиқатпарастдир.

Демак, шоир ўзининг кимлигини биринчи уринишда илк тўплами биланоқ ўқувчига танита олган. Кейин эса унинг бирин-сирин «Юрак қирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1984), «Гуллаётган тош» (1985), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Хулво» (1987) каби шеърини тўпламлари дунё юзини кўрди. 1989 йилда эса Шавкат Раҳмон улуғ испан шоири Федерика Гарсиа Лорканинг «Энг қайғули шодлик» деб аталмиш тўпламини аслиятдан таржима қилиб нашр эттирди. Шоирнинг вафотидан бир йил кейин, лекин унинг ўз қўллари билан тартиб берган «Сайланма»си 1997 йилда ўқувчилар қўлига бориб етди. Мана, шоирнинг бор-йўқ бисоти.

*Мен жангчи эмасдим,  
Мен шоир эдим,  
ниҳоят шоирдан кўра зобитман,  
ҳар нафас мусулмон  
миллатни дедим,  
нафсига куйганлар келди оқибат.  
Ҳаромни ҳуш кўрган  
маслакфурушлар  
зигирдай ҳимматин  
қилганда миннат,*

*япроқдай сарғардим буюк урушда  
мусулмон йўқ эди,  
йўқ эди миллат.*

Шавкат Раҳмон жангчи бўлиб эмас, шоир бўлиб туғилганди. Лекин ҳаёт уни шундай чиғирлардан ўтишга мажбур этдики, натижада шоирнинг ўз тили билан айтганда «ниҳоят, шоирдан кўра зобит»роқ бўлиб қолди. Чунки ҳақиқий шоир ўз даврдан чекиниб, бутунлай узлатда умргузаронлик қила олмайди. Бунга унинг айнан шоирона қалби, ватанпарварлик туйғулари билан лиммо-лим виждони изн бермайди. Оқибат «атроф билан ёнма-ён юришга» мажбур қолган шоир атрофни бор бўй-басти билан кўра бошлайди. У ҳаромдан ҳазар қилмайдиган маслакфурушларга дуч келади, ёлғон ва фисқу фасодни ҳаётининг аъмолига айлантган манфаатпарастларни кўради, мақтовни ҳуш кўрувчи бетайин кимсаларни, Ватанни сотиб кун кўришга ҳозир ватанфурушларни, хоинларни, кўрқоқ иймонсизларни... кўради. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг ҳассос қалбини эзади, чўктиради, айни пайтда уни ғалаёнга келтиради. У жимгина қўл қовуштириб ўтира олмайди ва кўпинча рубобий шеърлар ўрнига ижтимоий-ахлоқий мавзуларга қўл уради, сўзни қуролга айлантган жамиятдаги иллатларга қарши курашади. Шунинг учун ҳам шоир «япроқдай сарғардим буюк урушда», деб ёзади. Айни чоғда ёнимда «мусулмон йўқ эди, йўқ эди миллат», дея чўнг изтиробга берилади.

XXI асрга кириб келган замондошнинг аксарияти эса кўп жиҳатдан экстреверт типга, яъни ташқи факторларни бирламчи билиб, ҳаётини ана шуларга уйғунлаб яшайдиганлар хилига мансублигига кўра кўпинча Шавкат Раҳмонлар тутуми тушунисиз, гоҳида ҳатто ўрлик бўлиб кўрилади. Чунки Шавкат Раҳмон ва унинг сингари ижодкорлар ўз ҳаракатларида, айтаётган сўзларида ҳамма вақт – ички, субъектив фактор – виждон амрига қулоқ тутадилар. «Шеър – шоирнинг ижтимоий виждони» деб сарлавха қўйганди Асқад Мухтор Рауф Парфининг «Сабр дарахти» номли тўпламига ёзган сўзбошисига. Шавкат Раҳмоннинг охириги китоби – «Сайланма»сига ёзган «Гулчехра» исмли сўнгсўзида эса Раҳмон Кўчқор ва Набижон Боқийлар куйидагиларни таъкидлайдилар: Шавкат Раҳмон «ўзига ва ўзга қалбларга етган неки хўрлик, неки адолатсизлик бор – бефарқ бўлмайди, мўлтираб туролмайди. У ҳар бир инсонга қалқон бўлгиси, қалбининг ҳақ-ҳуқуқи учун жангга киргиси келади. У ўзининг нозик руҳини қай ерда кураш, қайси жойда ҳурлик ҳимояси бор – ўша жабҳага сафарбар этади. Ўзига ва маслакдошларига, Фаустдан шоир танлайди: уни уйдан чиқаверишга, эшик тепасига миҳлаб қўяди: «Ҳар куни курашга чиққан инсон яшашга ҳақли!»

*«Майдон таърифи» шеърига  
қулоқ беринг:  
Ҳеч қачон шионма –  
Бу майдон маккор,  
деб ёзади шоир ва майдонни таърифлай кетади:*

*Алвонлар – ажойиб,  
Ҳаммаси – ёлон,  
Бу ерга инсонмас, келар жонивор,  
Майдонлар тошида қорайиб қолон  
Милёнлаб алданган одам қони бор.*

Бироқ ҳамма гап шундаки, Шавкат Раҳмон шахслик мақомидаги шоир эди, шахс – шоир эди. Бундай шоирларнинг бўлса қисмати томонидан зиммасига юкланган ўз вазифаси бўлади. Бундай вазифа шахснинг субъектив дунёси билан чамбарчас боғлиб кетганига кўра, шоир ана шу ботиндагини реал дунёга татбиқ қилмоққа уринади. Ёки ҳеч бўлмаса ўзини, ўз турмушини ботиннинг измига соламан, дейди. Бунда у ташқи муҳитнинг, темир қоидалари қаршисида титраб қақшамайди ёки ундан нусха кўчирмайди, унга тақлид қилмайди, эргашмайди. Чунки шахснинг ўз ахлоқи бор, у ана шу чегарадан бошига ўлим келсин, четга чиқмайди. Изчиллик билан вазифани адо этишда то ўлимгача давом қилаверади.

У туркий халқларнинг аччиқ ўтмишидан ҳикоя қилиб келаркан, шеър ниҳоясида ҳайқиради:

*Борми эр йигитлар,  
Борми эр қизлар,  
Борми гул бағрингда  
жўмард насллар,  
Борми гул туфроқда ўзлигин излаб,  
Осмону фалакка етган болалар.  
Бор бўлса,  
Аларга етқариб қўйинг,  
Бир бошга бир ўлим  
демаган эрмас,*

*Шаҳидлар ўлмайди,  
Бир қараб қўйиб:  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!*

Она Ватанни ёвга бермасликка даъват ва бунга истаҳ ҳар қандай миллатнинг ор-номусли фарзанди кўнглидан отилиб чиқадиган нидодир. Демакки, у кўпнинг дарди. Шоир ана шу умумдарида ўз юрагидан ўтказиб, ўзиники қилиб куйлаптики, ижтимоий дард восита – шеър орқали бизнинг ҳам шахсий дардимизга айланмоқда. Ва биз «Ёвга терс қараган мусулмон эмас!» деган хитобнинг беш марта такрорланишига энсамиз қотиб эмас, балки тушуниб қараймиз. Чунки ҳар бири алоҳида интонацияга эга, демакки, алоҳида маънони ҳам ўзида жо қилган:

Ёвга терс қараган мусулмон эмас!  
Айтилганлардан шундай хулосалар келиб чиқадики, 70-йиллар авлоди ўзининг ёрқин ижтимоий-маънавий мавқеи билан XX аср ўзбек шеърини алоҳида эътиборга моликдир. Шавкат Раҳмон ана шу истеъдодли авлоднинг битта забардаст вакилигина эмас, балки бутун бошли ўзбек шеърини осмонининг доимий ўчмас юлдузларидан бири ўлароқ порлаб туришга муваффақ бўлган шоирларимиздандир.

**Улуғбек ҲАМДАМ,  
филология фанлари доктори,  
профессор**

## # 1-oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni

**Дунё иморатларининг энг олийи! Донолар мактабга шундай таъриф беришган. Инсон ўқувчилик йилларидан ҳеч узилиб кетолмаса керак. Мен ҳам бу даврларни бот-бот хотирлайман. Кўп нарсалар ёдимга келади: бир неча йиллик ўрик дарахтлари, олмалар, қип-қизил қиёқ гуллари, қирмизи, пушти ва сап-сарик атиргуллар, қордан энкайиб қолган манзарали дарахтлар, бошқа синфларга умуман ўхшамайдиган кенг ва ёруғ адабиёт хонаси...**

Ҳарчанд уринсам ҳам ўша мактаб хотираларимда куз фасли йўқ. Шундай гўзал, тароватли ва улуғвор фасл бўлмаса, унда нима бор?!

Далалар, кенг ва чексиз пахта далалари бор. Ҳатто мактаб қаршисидаги далага ҳам пахта экилган эди. Азиз ўқувчи, мамлакатимизда болалар меҳнатига барҳам берилган кунни сиз қандай қаршиладингиз, буни билмайман. Аммо жуда кўплаб инсонлар буни буюк воқеа сифатида қабул қилганларига ишонаман. Пахта етиштириш ниҳоятда заҳматли ва оғир жараёндир. Уни йиғиштириб олиш ҳам осон эмас. Бугун ана шу оғир меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши болаларимизнинг ҳам меҳнатдан озод қилинишини таъминлади.

#### КУЗ ФАСЛИ ХОТИРАЛАРИСИЗ МАКТАБ ЙИЛЛАРИМ...

Ўқитувчимиз етовиди аккинчи синфдан пахта теришга чиқар эдик. Мактаб сумкасида бир парча нон, эрталаб нонушта қилганми-йўқми, соат иккига қадар бўйдан ҳам узун гўзаллар орасида тентиб пахта терадиган саккиз-тўққиз ёшли гўдакларни тасаввур қила оласизми?! Устиларидан кўр-кўрона заҳар сепилганида қарахтланиб, кечга яқин гандираклар чиқиб келган қизалоқлар ҳақида эшитганмисиз?! Гепатитнинг оғир формаси эпидемия каби тарқалиб, касалхоналар болаларга тўлиб кетганини-чи? Болалар ўлимида Африкани ҳам ортада қолдирган йилларимиз бўлганини биласизми?

Булар бошимдан ўтган, ўз кўзларим билан кўрганман, гувоҳи бўлганман. Ишониш қийин, биламан. Йигирма беш ёшли қизимга булар ҳақида гапирсам, «бирим кўрқинчи нарсаларни гапирасиз», деган эди. Тенгдошлари ҳам у каби ўйласалар керак.

...Қизалоқ мактабга қип-қизил янги рўмол ўраб келди. Дугоналари ҳавас билан бир-бир ушлаб кўрдилар. Бир соат ўқишдан сўнг ўқитувчи Ибодов уларни далага олиб кетди. Қизалоқнинг пахта териш учун фартуги йўқ эди. Муаллим унинг рўмолини олиб, фартук ўрнида боғлаб қўйди. Уч килоча терилган пахтани юкчи рўмол билан баланд тиркамага отиб юборди. Қизча жонҳолатда бақириб юборди: «Рўмолим...» Унга ҳеч ким парво қилмади. Тиркамага устма-уст пахта ташланарди. Ўқитувчи Ибодов тиркамага чиқиб, бир амаллаб рўмолини топди-да, қизалоққа узатди. Рўмолини топган қизалоққа севиниш ўрнига баттар йиғлади. Муаллим тиркамадан тушиб сўради: «Тағин нима бўлди, қизим?» Қизча ўқиб-ўқиб йиғлаганича рўмолини кўрсатди. Йиртилиб кетибди. Ибодов айб иш қилиб қўйган каби қизалоққа гуноҳкорона боқди. Бола руҳиятини ундан ҳам яхшироқ тушунадиган одам бормиди? У қизчанинг паҳмоқ сочларини силаб: «Мени кечир...» дея олди холос.

Муаллим Ибодовнинг оламдан ўтганларига анча бўлди. У кишидан тирноқ қолмаган. Бухоролик эканликларини биламан, холос. Шуларни ёзганман-у, ич-ичимдан хижолат ҳам бўляпман. Нега мен у ҳақда кўпроқ билмайман? Бу инсон ҳатто отамга ҳам таълим берган эди-ку?! Олис қишлоқ кўчаларининг асфальт қилиниши, автобус қатновининг йўлга қўйилиши айнан шу маърифатли инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан бўлганини кўпчилик таъкидларди. У муаллимлик билан чекланиб қолмаган экан-да.

Шаҳрисабз туманидаги 17-умумтаълим мактабига ҳаётининг энг яхши йилларини бағишлаган бу инсонни унутмадингизми, азиз мактабдошлар?

Куз хотираларисиз мактаб йилларим... Бир ўқув йилида ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда тўрт ойнинг нари-берисида ўқиган эканмиз. Болалигимиз тортиб олинган ўша даврда ҳам орзулар қилганмиз. Китоб деган дунё билан диллашдик. Абдулла Ориповнинг китобларини кўрмаганмиз, аммо шеърлари оғиздан оғизга кўчиб юрарди. Уша пахта далаларида кўнглимизда адабиётга муҳаббат уйғотган унинг бетакрор шеърлари эди. Шоир китобларини варақласам, куз хотираларисиз мактаб йилларим ҳам ёдимга тушади.

Ўқитувчиларим... Айримлари бу оламни тарк этдилар. Кўплари нуроний бир ёшда. Аммо кўз ўнгимда навқирон қиёфада гавдаланадилар.

Бозор Ҳасанов (охиратлари обод бўлсин), биринчи муаллимимни ёнбошга таралган эрта оқ оралаган сочлари қалпоғи остидан тошиб турадиган, жигарранг костюмларида, тоза-озода, кулиб турган ҳолатда эслайман. Қизалоқларнинг патила сочларини тартибга солаётган ўқитувчимизни кула-кула кузатаётган Малика муаллим, Норжон муаллим... Дунёдаги энг чиройли ва кўркем инсон эди, менинг биринчи муаллимим!

Бошқалар у кишини паст бўйли, ҳамма қатори бир одам деб билишарди. Асло ундай эмас! Ўқитувчилар ҳеч қачон ҳамма қатори бўлмайдилар, улар бошқаларга ўхшамайди, чунки улар – ЎҚИТУВЧИ!

Ўнлаб йигитларни шарафли касбга йўналтирган ўқитувчимиз Саид Намозов. Жаранглаган овози, китобсеварлиги, ҳазилкашлиги, қалби тозаллиги ва яна... отамга жуда-жуда ўхшагани учун уни севаман.

Ҳамиша ифтихор туйганим, ҳаммадан гўзал деб билганим, адабиёт муаллимам Қўйсиний Қосимова! Парталар оралаб виқор-ла юришлари кўзларимда ҳамон, тиниқ ва сокин овози қулоқларимда қолган. Бугун нимадир қоралаб, Сўз орқали кўнглиларга йўл топан бўлсам, буларнинг бари Сиз туфайлидир, азиз Устоз!

Ўқитувчиларимни ёд олар эканман, Шаҳодат Зикриллаевани (охиратлари обод бўлсин) тилга олмаслигим мумкин эмас. У киши немис тилидан дарс бера эди. Негадир немис тилига меҳр қўя олмадим. Аммо мендан ҳам бошқа истеъдодли ўқувчилари кўп эди. У ҳақда бир гапни айтишим мумкин: Шаҳодат муаллимда бу касб туғма эди. Унинг тақдирига шу касб битилганди. Болалигимизда қўни-қўшнилари билан бола-бақралари йиғилиб, ундан достонлар тинглаганмиз. «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Гўрўғли»... У катта оиласида онасининг энг яқин ёрдამчиси эди. Ҳар доим укаларини бирини кўтариб, бир нечасини етаклаб олган бу қиз тенгдошларига эрмак, кулги эди. Бир куни муаллим ундан ўтилган мавзунини сўради. Синфдошлари кулдилар. Жавоб беролмаслигини билардилар. Шўхроқ бири деди: «Мааллим, ундан укаларини сўранг...» Яна гурр кулги кўтарилди. Ёш муаллим эса: «Бекор куляпсиз, Шаҳодатнинг отаси уни келажакда Қаршидаги институтда ўқитишини айтди. Мана, кўрасиз, у отасининг ишончини оқлаб, катта

одам бўлади, ҳали...» Бу гап чинмиди, ёлғонмиди, ўйлаб ҳам кўрмади, шунчаки ишонди. Ва ўша кундан ўқишлари ҳам жонланди. Узоқ йиллар у ўша устози, яъни Ўсар Аҳмедов билан ёнма-ён ишлади.

Шаҳодат муаллим менинг туғишган одам эди. Узоқ йиллар бедаво хасталик билан курашди. Хасталик уни енгди... У ҳар бир болага ишонарди, энг тўполончи, уришқоқ болаларини ҳам севади.

Ҳаётимда эслашга арзирли устозларим кўп. Мен ўқувчилик йилларимдаги айрим устозларимни эсладим. Азиз ўқувчи, биламан, сизнинг ҳаётингизда ҳам унутилмас из қолдирган устозларингиз бор. Улар ҳақида эслаш, ёзиш фурсати аллақачон етди.

Бугун ижтимоий тармоқларда мактаблардаги можаролар рўй-рост намоиш қилинмоқда. Камчиликлар ҳам бисёр, бундан кўз юммаймиз. Ўқитувчи номига номуносиб инсонлар ҳам бор. Бироқ мактаб, муаллим иззати, обрўси, шарафи улар каби тасодифий шахслар билан ўлчанмайди!

Мен айна кунларни ёшларга билим олишлари учун улкан имконият деб биламан. Ишонинг, ўқувчилик, талабалик йилларининг катта қисми пахта далаларида кечган бизнинг авлод бу кунларнинг қадрини жуда яхши билади. Юртимизнинг қудрати, ривож, фаровонлиги – буларнинг барисига билим, маърифат билан эришилади.

Устозларнинг касб байрамлари яқин қолди. Бу байрамнинг қиймати шундаки, у барчамизга дахлдор. Шундай кунларда улар ҳақида энг яхши сўзни айтгим келди. Фақат бу қайси сўз эканлигини билолмадим. Ва шундай яқунлашга қарор қилдим:

Яхши ҳам Сиз борсиз,  
азиз УСТОЗЛАР!

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**  
«Vatanparvar»



# ЯХШИ ҲАМ СИЗ БОРСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!



# Madaniy hordiq

Нукус ва Урганч гарнизонларида ҳарбий хизматни ўтаётган юртимиз ҳимоячиларининг дам олиш кунларида маданий ҳордиқ олишини таъминлаш мақсадида Хива шаҳридаги мўъжизавий «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонасига экскурсия ташкил этилди.



# ҚАДИМИЙ ШАҲАР-МУЗЕЙГА

## САЁҲАТ

Марказий Осиёда сақланиб қолган ягона очик осмон остидаги шаҳар-музей ёдгорлигига саёҳат томирида буюк аждодлар қони оқаётган юртининг энг сара ўғлонларида катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилояти қадимий ва бой маданияти, гўзал ҳамда батақдор обидалари, ноёб осори атиқалари билан дунё аҳлини доим лол қолдириб келган. Марказий Осиёдаги йирик ва ноёб ёдгорлик, Хива шаҳри ичидаги «Ичан-Қалъа» мажмуига ташриф буюрувчилар халқимизнинг буюк ўтмиши, аждодларимизнинг мислсиз иқтидори, маънавий қудратидан далолат берувчи кўп асрлик ёдгорликлар билан танишиб, уларнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан беришмоқда.

Тарих билан юзма-юз келган ҳарбий хизматчилар бу ерда сақланиб

қолган ноёб меъморчилик асарлари, ўтмишда аждодларимиз фойдаланган тарихий буюмлар, қурол ва ҳарбий аслаҳалар, асрлар оша халқимизнинг меҳнатсеварлигини тараннум этаётган ёғоч ўймакорлиги ва ҳунармандчиликнинг бошқа йўналишлари билан яқиндан танишиб, маънавий дунёсини янада бойитишди.

Дарвоқе, ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни ошириш, уларда ўзига ва қудратига бўлган ишонччи, ўзгичимиз, ўтмишимизга бўлган ҳурматни юксалтиришда бу каби экскурсияларнинг ўрни муҳим. Зеро, ўтмишини билмаган инсон ўз келажагига ҳам эга бўлмайди.

Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар Урганчда очилган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасига саёҳат қилишди.



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

# Profilaktika

## HUQUQBUZARLIKLAR OLDINI OLIHGA QARATILDI

Harbiy xizmatchilarning huquqiy savodxonligini oshirish, ularni qonunlarga itoatkorlik ruhida tarbiyalash maqsadida, Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan Qibray tumanida joylashgan Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismlarning birida ofitser va serjantlar ishtirokida "Bugungi kunda yo'l-transport hodisalarini oldini olish dolzarbligicha qolmoqda" mavzusida profilaktik tadbir o'tkazildi.



Unda hududiy Harbiy avtomobil nazorati inspektori hamda Toshkent harbiy prokuraturasi xodimlari ishtirok etib, shaxsiy tarkibga mavzu yuzasidan atroflicha tushunchalar berib, maxsus videorolik namoyish etildi.

Shuningdek, tadbir so'ngida muddatli harbiy xizmatchilarning muammolarini o'rganish maqsadida shaxsiy qabul tashkil qilinib, ularni qiziqtirgan masalalar bo'yicha huquqiy yordam ko'rsatildi.

**Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,**  
Toshkent harbiy prokuraturasi yordamchisi

# Ogohlik



**Tabiiy va is gazidan zaharlanish asosan havo haroratining pasayishi kuzatiladigan qish mavsumida ro'y berayotganligi sababli ularning oldini olish uchun isitish moslamalari sozligi va tutun mo'rilarining shamollatish kanallarini ko'rikdan o'tkazishga e'tibor berish zarur.**

Yillar davomida isitish pechlari mo'riconlarining nosozligi oqibatida sodir bo'lgan yong'inlar soni o'sib borganligini ko'rish mumkin. Bu esa fuqarolar yashash uylarida isitish pechlarini qurishda qator kamchiliklarga yo'l qo'yilayotganligidan dalolat.

Xo'sh, o'sha kamchiliklar nimalardan iborat? Eng avvalo, gaz yoqilg'isiga moslashtirilgan pech dudburoni xona yopmasining yonuvchi qismlaridan ajratilmagan, dudburonning is tortuvchi yo'laklari ko'p yillardan beri tozalanmagan, mo'ri g'ishtlar issiqlikdan yemirilib, uvadalan boshlashi oqibatida is tortuvchi yo'lak qurumga to'lib boradi. Gaz tortish yo'laklaridagi to'siqlar xonaga gaz to'planib qolishiga va oqibatda yong'in xavfi kelib chiqishiga, portlashga sabab bo'ladi. Uzoq muddatdan beri tozalanmagan va yaroqsiz holga kelib qolgan pech dudburoni mo'risi o'z vaqtida tozalanmasligi yoki uni tuzatishga e'tiborsizlik bilan qarash turli darajadagi zaharlanish va yong'inlar kelib chiqishiga olib keladi. Ochig'ini aytish lozim, ko'pgina hollarda yakka tartibda uy quruvchilarning ko'plari pech qanday o'rnatilishi, dudburon qay darajada qurilishi borasida faqat yuzaki ma'lumotlarga ega bo'lganliklari bois bu masalaga e'tiborsizlik bilan qarashadi.

Yonuvchi yoki qiyin yonuvchi materiallardan tayyorlangan tom konstruksiyalari va mo'rilar orasidagi bo'shliqni yonmaydigan tom materiallari bilan qayta yopish lozim.

**Bino konstruksiyalari yonib ketmasligi uchun:**

– yoqish eshigi tagidagi yonuvchi va qiyin yonuvchi materiallardan tayyorlangan polni, uzun tomoni pech bo'ylab joylashtirilgan o'lchamlari 700 x 500 mm bo'lgan metall taxta bilan;

– burchak ostida pechning old tomoniga yordam bo'lgan yonuvchi materiallardan tayyorlangan devor yoki to'siqlarni poldan yoqish eshigining tepasidan 250 mm yuqori joygacha metall tur bo'yicha 25 mm qalinlikdagi suvoq yoki asbest karton bo'yicha metall taxta bilan saqlash lozim. Yoqish eshigidan

## QISH MAVSUMIGA TAYYORMISIZ?

qarama-qarshi joylashgan devorgacha bo'lgan masofani kamida 1 250 mm qabul qilish lozim;

– karkas pechlar, shu jumladan, oyoqda turadigan pechlar tagidagi yonadigan materiallardan qilingan pol yonidan 10 mm qalinlikdagi asbest karton bo'yicha po'lat taxta bilan himoyalash lozim, bunda pech ostidan polgacha bo'lgan masofa kamida 100 mm bo'lishi shart.

Pechlarning tutun quvurlariga ulash uchun uzunligi 0,4 m.dan ortiq bo'lmagan kalta quvurlardan quyidagi shartlar bajarilganda, foydalanishga ruxsat etiladi:

– kalta quvur tepasidan yonuvchi materiallardan qilingan shiftgacha bo'lgan masofa shift yonishdan himoyalangan bo'lmasa 0,5 m va yonishdan himoyalangan bo'lsa 0,4 m bo'lishi;

– kalta quvur tagidan yonuvchi va qiyin yonuvchi materiallardan iborat bo'lgan polgacha masofa kamida 0,14 m bo'lishi shart.

Olovga chidamlilik chegarasi 0,75 soat va undan ortiq bo'lishini ta'minlab, kalta quvurlarni yonmaydigan materiallardan qabul qilish lozim.

**Tabiiy gazdan foydalanilayotganda:**

– o'zboshimchalik bilan uy (kvartira, bog'dagi uy)ni gazlashtirish, gaz asbobi o'rmini almashtirish, uni yangilash va tuzatish;

– gaz asboblari o'rnatilgan xonalar rejasini, gaz asboblari konstruksiyasini o'zgartirish;

– dudburon va shamollatish tizimlarini o'zgartirish. Shamollatish kanallarini to'sib qo'yish, dudburonlarni tozalash "cho'ntaklari" va darchalarini berkitib tashlash. Dudburon va shamollatish kanallari tekshirilganligi hamda tozalanganligi haqidagi dalolatnomaning muddati tugagan hollarda gazdan foydalanish;

– fortochkalar (framugalar), jalyuzali panjaralar, shamollatish kanallarining panjaralari, vanna xona va oshxona eshiklari ostidagi tirqishlar yopiqligida tortish bo'lmagan hollarda gazdan foydalanish qat'iy taqiqlanadi.

**Kapitan Sardor ERBEKOV,**  
Toshkent garnizoni yong'in nazorati inspeksiyasi boshlig'i

## # Hikoya

Ёмғир. Ёмғир оҳанглари... Уларни тинглашни севаман. Ёмғирлар ҳар доим ҳам илиқ бўлмайди, совуқ томчилар ҳам бор. Баъзан ундан изтиробларнинг саси келади. Майда-майда томчилар ҳазин туйғуларни бошлаб келади. Япроқлар, майсалар ерга тикилганча оғир ўйга ботадилар... Аммо унда ҳаёт бор, ортидан чарақлаган офтобни олиб келади.

**ЭРКАК ВА АЁЛ**

Аёл бу танишувга унчалик эътибор бермади. Қизининг айтишича интернет бу – одамлар бир-бирини осонгина лақиллатиб ўтирадиган жой экан. Ҳайрон бўлди. Ёлғон нимага керак экан? Илдизи йўқ дарахтдек ёлғон барибир ёлғон-да. Наҳотки алдовдан ҳам кимдир ҳузурланса? Аммо у одам ёлғончига ҳам ўхшамайди. Ўзи ҳам ёш эмас бировни мафтун қилиб кўядиган, йиллар аллақачон ўз ҳукмини ўтказган.

Иккиси ҳам оғир кунларни кечирган. Иккиси ҳам азиз инсонларидан айрилган. Дарддош топилганига аёл кўзёшларидан тортинмай унга кечмишидан сўзлади. Бу дард эркакка бегона эмаслигини ҳис этди. Бироз энгил тортиб сўради:

– Сени аёлинг қандай вафот этди?

– Фарзанд кўрмоқчи эдик. Хасталанди. Узоқ ётди. Бир куни... У бир қора кун эди...

Сўхбатлари шу ерда узилди. Айрилиқ иккисининг ҳам ҳасрати эди. Аччиқ, талх оши эди.

**ҚОРА КУН**

Тўшақда бир бурда бўлиб ётган эркак хотинига термилди. Нимадир демоқчи бўлди. Жувон энгашди.

– Кўпдан тилла тақинчоқларингни тақмай қўйдинг, улар сенга жуда ярашади, – заиф овозда пичирлагандек деди эркак.

Аёл энгашгани ҳолда жилмайди ва эрининг қоқсуяк ёноғидан ўпди.

– Ҳозирги ишимда тақинчоқларим фақат халал беради, хабарингиз бор, кўпроқ тўлашгани учун йиғув цехига ўтганман.

– Мавжудам, мени кечир, сизларни оғир аҳволда қолдиряпман... Шу сўзларни айтаётган эркакнинг кўзлари четидан билинар-билимас ёш сизиб чиқди.

– Дадаси, менга ҳеч қанақа тилла керак эмас, шу ҳолда қанча ётсангиз ҳам майли, мен ҳамма қийинчиликка чидайман, қашшоқликдан қўрқмайман, мени сизсизлик қўрқитади. Осонгина таслим бўлманг, икки нораства учун ҳам яшагингиз келмайдими...

– Мавжудам, болаларим... эртанги тонгни кўришга кўзим етмаяпти. Раҳматли онамни туш кўрибман... Уй битиб қолди, юр, кетамиз, деб, кўлимдан тутдилар. Мен сендан розиман, сен ҳам менадан розими...

Жувон эрининг ҳаёт асари тугаб бораётган кўзларидан ўпди, юзини юзига босиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлади...

**СОВУҚ ТОМЧИЛАР**

Кўнғироқ саси тинмаётган телефонини иккиланиброқ очди.

Экрандаги жиддий қиёфага зумда табассум югурди. Жилмайиши ёқимли экан, кўнглидан кечди аёлнинг. Энди улар телефонда оғриқлардан бир-бирини авайлагандек сўхбатлашарди.

– Бугун ишга чиқмадингми?

– Сахардан бери тинимсиз ёмғир ёғяпти.

– Ёзда ҳам шунақа ёмғирлар ёғадими? Қандай яхши. Мен ёмғирни яхши кўраман, илиқ, қувноқ томчилар... Қаршисидаги эркакнинг нигоҳлари жиддийлашди. Ҳатто мунг чўккандек.

– Бу ерлар салқин. Қиши жуда узоқ. Илиқ ёмғирлар бўлмайди, аёвсиз, совуқ томчилар жон-жонингдан ўтиб кетади. Мен ёмғирни севмайман.

– Нега?

– Уйсиз, жойсиз одамлар бор атрофимизда. Уларга жабр, бу ёмғир.

– Мен ҳеч уйсиз, кўчада қолган одамларни кўрганим йўқ. Атрофимдаги ҳамма одамларнинг кичкина бўлса ҳам бошпанаси бор.

– Мен уйсиз қолганман, совуқда, ёмғирда... Бу жуда оғир.

– Аёлинг ҳам шундан хасталанган эдимми?

– Ҳа... – эркак кафти билан кўзларини тўсди. Экранда кўринмай қолди, ҳаял ўтмай ёзув пайдо бўлди: «Кечир, булар ҳақида эслаш азоб».

**ГУЛЖАН**

Уйсизлик... Совуқ кечаларда, совуқ ёмғирлар остида бир-бирининг пинжиги текилиб, дийдираб турган эркак ва ҳомиладор аёл Мавжуданинг хаёлидан кетмай қолди. Йўқ. У ҳаётга очик кўз билан қарашга ўрганган, ёнидаги ҳамкасблари ҳаммаси ҳам тўқис эмас эди. Аммо кўчаларда яшамаган экан, ҳеч қайсиси. Уйда ўтиролмади. Ташқарига, «дом»нинг орқа тарафидаги чинорлар тагига қўйилган пастак ўриндиққа бориб ўтирди.

Ҳузурбахш шабадага юзларини тутиб, ёз оёқлаётганини ҳис қилди. Кўнглини ҳазинлик эгаллади. Умр ўтяпти. Тепасида сокин гувиллаётган азамат чинорлар кўп нарсаларга гувоҳ эди. Унинг севинчларига, қайғуларига, соғинчдан ўртанган қалбининг ноаларига...

– Ассалому алайкум, бирпас ёнингизда ўтирсам майлими, ҳозир ўғлим акаси билан келади, шу ерда кута қолай, – у шундай деб жавоб ҳам кутмай тўрхалталарини ўриндиқнинг бир чеккасига қўйиб, ўзи ҳам жойлашиб олди. Яна унга қараб мамнун жилмайди.

Аёл Мавжудани оғир хаёллардан чалғитди. Юз-кўзлари танишдек. Қўшниси Райҳон опага ўхшар экан. Опа навоийлик қозоқлардан, соф ўзбек тилида гапирганида ҳам бештадан учта сўзи қозоқча бўлади, бу эса ўзбекча гапиряпти-ку. Адашдим шекилли, одам одамга ўхшайди-да.

– Сиз ҳам шу «дом»да яшайсизми, негадир илгари сизни ҳеч кўрмаган эканман, – деб сўради аёл Мавжудани лол қолдириб.

– Ўттиз йилдан ошди, шу ерда яшаётганимга. Шунчаки ҳозиргидек вақтим бемалол бўлмаган, ик-

ки-уч жойда ишлардим. Сизни эса эслай олмаяпман, узр, бу «дом» жуда катта, хонадонлар кўп.

– Райҳон опанинг синглиси Гулжанман. Биз ҳам шу ердан бир хонали квартира сотиб олдик. Қарз ҳам бўлди. Аммо шу қадар хурсандманки, опагон, катта шаҳарда кичиккина бўлса ҳам ўз бошпананг бўлганга нима етсин. Сиз уйсизлик нима эканини билмайсиз-да, э, нималарни кўрмадим...

Бугун иккинчи бор уйсизлик ҳақида эшитяпти.

Мана, таъмир учун йиғилаётган пуллар нимага сарфланибди. Балки, бошқа Муроджон ҳам бордир. Сир бой бермай Гулжанга қулоқ тутди. Бир қоп ёнғоқ каби шалдур-шулдур экан. Бошидан ўтганларини гапирар экан, Мавжуда унда баҳорни кўргандек бўлди: бир қарасанг чарақлаган офтоб, қоп-қора булут, шаррос ёмғир, тагин офтоб, тиниқлик, умид...

...Тошкентда ўқишни орзу қилардим. Онам оламдан ўтганидан кейин отам яна уйланди. Биз билан иши бўлмай қолди.



– Шу «дом»да Муроджон исмли жуда яхши йигит яшайди, омон бўлгур, бизга кўп яхшилиги сингган. Беш юз доллар етмай қолган эди уй учун. Қарз сўраб бош урмаган эшигимиз қолмади. Ҳеч кимдан чиқмади бунча пул. Сал қолса, уйсиз қолар эдик. Шу йигит қарз берди, барака топгур. Мавжуда сергакланди. Ўғлидан бошқа ҳам Муроджон бормикан?

Опам, катта акам Тошкентда ўқир эди. Улар Нурлан акамни ҳам ёнларига чақирдилар аммо у мени деб қишлоқдан кетмади. Угай онамизнинг феъли оғир эди, арзимаган иш учун аямай урарди. Ҳеч кимнинг онаси ўлмасин-ейи. Мактабни ҳам битирдим. Аммо Тошкентга келиш учун пулимиз







йўқ. Ўтирсам ҳам турсам ҳам ўқиш орзуси хаёлимдан кетмасди. Угай онам: пулинг бўлса, изинг ўчиб кетмайдими, истаган ерингга кетавер, деди. Нурлан акамнинг раҳми келди. Бирга кетамиз, катта шаҳарда мен ишлайман, сен ўқийсан, деди. Ҳали катта шаҳар машаққатларини тасаввур ҳам қилмасдан севина-севина йўлга тушдик. Катта акам ва опам ўзлари билан овора эдилар. Иккисининг ҳам оиласи бор, ётоқхонада яшардилар. Биз акам билан ижара уйда яшай бошладик. У тинмасди, мен учун жонини берар

бўлакларга бўлиб ташлайдиган-дек.

### АЗАМАТ

– Ойижон, сиз ишда вақтингиз акам Азаматни уйга киритади, – деб «ҳисобот» бера бошлади қизалоқ.

– Муроджон, болажоним, ким у Азамат?

– Алибек синфдошимни жияни, ҳозир ойиси билан Райҳон холаникида яшайди, уй калитини йўқотиб қўйгани учун уйимизга олиб кирдим. У ҳали кичкина, кўчада ёмон одамлар учраб қолса нима қилади?

югурдим. Азамат мени кўриб, севиниб кетди.

– Ойи, деразадан қараб турдим, анув амакилар сизни ўзлари билан олиб кетадиларми, деб роса кўрқдим, агар эшикни устимдан қулфлаб кетмаганингизда югуриб олдингизга тушиб, сизни йиғлатганларни тепиб ташлардим...

Биз бу ердан ҳам кетдик. Опаникига келдим яна. Бошқа борадиган жойим йўқ. Ўн олти, ўн етти ёшли ўғиллари билан у ҳам ёлғиз яшарди. Кичик уйига биз ҳам тиқилиб олганмиз, жиянларимга бу ёқмайди. Тўғри-да, шусиз ҳам

бўлди. Ўша эркак, мени бўлимга олиб кетишларидан қайтариб қолган эркак. Назаримда бу учрашув тасодиф эмас эди. У бизни анчадан бери кузатиб юргандек туюлди. Аслида ҳам шундай экан. Ўша куни у бизни ўзи яшаб турган уйига олиб кетди. Оиласидан ажралган, мен каби ёлғиз бир одам. Ўғлим уни бошқача бир интиқлик, меҳр билан қабул қилди. Ўшандан бери бир оиламиз. У билан яшаш байрам эмас аммо ўғлим уни шу қадар яхши кўрдики, ҳақиқий отасидек боғланди.

Бир куни ҳеч арзимаган нарсадан жанжаллашиб қолдик. «Кетаман», деб зарда билан чиқиб кетаётган эди, ўғлим, «дадажон, кетманг», деб оёқларига йиғлаб ёпишди. Титраб кетдим. У ҳам кутмаган экан, дарров ўзини қўлга олиб, ўғлимни бағрига босиб, юпата бошлади: «Нега йиғлаяпсан, мен сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, нонга чиқиб келмоқчиман, истасанг, бирга чиқиб келамиз...»

Ўғлимнинг сабрига ўзим ҳам ҳайрон қоламан, баъзан. Дадасининг ҳамма инжиқлигини кўтаради, ичиб келса ҳам меҳрибонлик қилиб кийимларини алмаштиришга ёрдам беради, аччиқ чой дамлаб тутайди. Ортиқча гап айтишимга йўл қўймайди.

### МУРОДЖОН

– Ана, болаларим ҳам келиб қолишди, – Гулжан биз томонга келаётган йигитларни таништира бошлади: – оқ-сарикдан келгани ўғлим Азаматжон, буғдойранги акаси Муроджон...

Мавжуда Азаматнинг акасига қараб жилмайди.

– Ассалому алайкум, ойижон, яхши ўтирибсизми, – буғдойранг Муроджон Гулжанни лолу ҳайрон этиб, қўли кўксига бошини онаси томонга эгди. Аёл ўғлининг пешонасидан ўпди. Азаматнинг елкасига қокди.

– Гулжан опа, ойимни танир эдингиз-а, – Муроджон шундай деб ҳайрон турган аёлга сўз қотди, – уларни айрим қўшниларимиз танимайди, чунки доим бизни етимлигимизни билдирмаслик учун у ишдан бу ишга югуриб юрганлар. Аммо энди бундай қилишларига йўл қўймайман, ўзим ишлаяпман.

– Ҳа-аа, танирдим... танидим, – деди шоша-пиша Гулжан. – Таннимасам, онамга ҳасрат қилгандек минг йиллик дардларимни тўкиб солармидим. Опа, сизга раҳмат, бу оламда борлигингиз учун, ўғлимга Муроджондек меҳрибон бир ака учун...

\*\*\* \*\*

Ёмғир. Ёмғир оҳанглари... Уларни тинглашни севаман. Ёмғирлар ҳар доим ҳам илиқ бўлмайди, совуқ томчилар ҳам бор. Баъзан ундан изтиробларнинг саси келади. Майда-майда томчилар ҳазин туйғуларни бошлаб келади. Япроқлар, майсалар ерга тикилганча оғир ўйга ботадилар... Аммо унда ҳаёт бор, ортидан чарақлаган офтобни олиб келади.

Инобат НОДИРШОҲ

# ОҲАНГЛАРИ

эди. Мардикорчилик қиларди, милисалардан қочиб, баъзан қўлга тушиб, бор-будини жаримага тўлаб, яна ҳаракат қиларди. Авваллари оғир эди-да, айниқса, прописка деган бало ўз юртингда сени бегона қилиб қўйган эди. Охири акам чидолмади. «Гулжан, Қозоғистонга кетаман ишлагани, топганимни сенга юбориб турман, бу ерда сенга ёрдам беришим қийин», деди. Ёш эканман, кўпроқ ўзимни йўлабман, ўқиш истиаги кучли эди-да, акам чорасини топди, дебман. Ўпкам тўлиб Қозоғистонга кузатдим.

Кунлар ўтаверди, Нурлан акамдан хабар йўқ. Мени ижара уйдан қувиб чиқаришди, тўлашга пулим йўқ эди. Катта акамнинг ёнига келдим. Кеннойимнинг қош-қовоғига чидаб, университетга кириш имтиҳонларини топширдим. Нурлан акамдан ҳамон хабар йўқ. Ниҳоят, бир куни хабар келди, даҳшатли хабар... Уни қозоқ чўпон топиб олибди, ўласи қилиб калтаклашиб, чўлга ташлаб кетишган экан. Чўпон ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам акам ўзига келавермабди. Қаерданлигини узук-юлуқ сўзларидан зўрға англабди, бизга хабар юборган ҳам ўша чўпон экан. Хуллас акам ўзига келмасдан Қозоғистондаги касалхонада оламдан ўтди...

Имтиҳонларнинг жавоби чиқди. Мен талаба эдим. Аммо бу куннинг мен учун севинчидан қайғуси кўп эди. Агар мендаги мана шу ўқиш орзуси бўлмаганида акам оламдан ўтмас эди. Уни мен ўлдирдим, мени орзуим уни ўлдирди, мусофирликда, хорликда ўлдирди... Сиз жон қадар севган жигарингиздан айрилиш нима эканлигини биласизми?! Билмайсиз! Тупроққа Нурлан билан бирга орзуларимни ҳам кўмдим. Ҳаётимнинг, жисму жонимнинг бир бўлагини кўмдим... Аммо... уни мен ўлдирдим, мен акамнинг ўлимига сабабчи бўлдим деган армонни, оғриқни ҳеч қаерга кўмиб бўлмади, юрагимдан бошқа.

Мавжуда чинорга беҳол суянди. Биламан, биламан, бу айрилиқ азобини, менга буларни сўзлама, дегиси келди. Аммо қаршисидаги аёл, Гулжаннинг тўхташ нияти йўқ эди. Гўё ичида бир пўртана кўпган-у ташқарига чиқмаса, уни

– Ҳар куни калит йўқотадимиз? – қизалоқ бижиллашини қўймайди.

– Синфдошинг сен билан бирга қайтмайдими мактабдан?

– Бирга қайтамиз, сўрасам менда ҳам калит йўқ, деди.

– Мен учун пишириб кетган овқатингизни унга едирди.

– Мунис, овқатингни емасдан мушукка олиб чиққанингни айтиб берайми?

– Ойижон, Азамат тўполончи эмас, яхши бола... – қизалоқ дарҳол акасига ён босди.

### ГУЛЖАН ВА АЗАМАТ

– Опа, сиз уйсизлик нима эканини билмайсиз.

– Мана, уйлик ҳам бўлдингиз, биров эрта, биров кечроқ.

– Аммо бу кунгача кўрган кунларимни айтсам даҳшатли тушга ўхшайди. Шундай бир вақтлар бўлдики, милисани кўрсам юрагим безиллайдиган бўлиб қолди. Ҳозир ҳужжатларимни сўрайди, деган кўрқув билан яшадим. Мени олиб қочганларида 18 ёшда эдим. Эримнинг онаси мени ёқтирмади. Кейин калтаклардан зада бўлдим. Ҳомиладорлигимга ҳам қарамасдан урарди. Ҳимоячим йўқ эди. Борадиган жойим ҳам йўқ. Барибир ҳайдаб юбордилар. Яна гоҳ акамникида, гоҳ опамникида сиғинди бўлиб яшай бошладим. Азамат туғилди. Энди ишлашим керак эди. Ошхоналарда, новвойхоналарда ишладим. Болам ювош эди. Ўзим билан олиб юриб ишладим, ёрдамчим йўқ. Ака-опамдан кечаси тунашга жой берганлари учун шукур қилардим. Ижара пулини тўлолмасам, эгалари чиқариб юборар эди.

Сарсонликда йиллар ўтди. Бир куни кўчада ҳужжатларимни суриштириб қолишди. Яна прописка масаласи чиқди. Уйда кичкинтой болам бор, дейишимга қарамасдан мени бўлимга олиб боришларини айтиб, оёқ тираб туриб олдилар. Ёлғиз уйда қолаётган боламни йўлаб даҳшатга тушдим, тиз чўкиб, ялиниб-ёлвордим. Қани унасалар... Шу хорликда қанча вақт ўтди билмайман, бир эркак келиб, улардан бирини четга чақириб гаплашди. Менга рухсат беришди. Ҳалиги эркакка қайта-қайта раҳмат айтиб, боламни олди

уйлари тор, камига ўғлим иккимиз.

Шундай кунларнинг бирида ўғлим йиғлаб телефон қилди: «Ойижон, акаларим чўмилишга кетяпти, мени олиб кетишмас экан, мени ҳам боргим келяпти, айтинг, илтимооооо, мениям олиб кетишсин...» Онаман, айтдим. Йўқ, дейишди, дардисар бўлади, пиёда борамиз, озгина юргандан кейин, кўтаринг деб хархаша қилади, шу иссиқда болангизни ким саланглатиб кўтариб юради... У акаларини гапини эшитиб, баттар йиғлаб, ялина бошлади: «илтимоооо, кўтаринг демайман, чарчамайман». «Эээ, сен ҳар доим шунақа қиласан», жияним шундай деб телефонни ўчириб қўйди.

Ишларимни апил-тапил саранжомлаб, уйга югурдим, бир ўзи қолганига йиғлаб ўтиргандир, деган хаёл билан. Уйга яқинлашганимда узоқдан «ойижон» деган шодон овозни эшитиб, таққа тўхтадим. Қарасам, Муроджон ўғлимни елкасига ўтқизиб, кўтариб келяпти. Қандай яхши йигитча, шу Муроджон. Жиянларимнинг жўраси. Етим экан, тарбия берган онасига раҳмат. Шундай меҳрибон, шундай олижаноб... Жиянларим калитни баҳона қилиб уйга киритмаган кезлари доим шу йигитча уйга киритиб, овқатлантириб, олиб ўтирар экан, барака топгур.

Бу ерда ҳам кўп туролмадик. Опам, «етар, ўзингга бошпана топ», деб уйдан чиқариб юборди. Арзон ижара уй осонлик билан топилса экан. Шу кеч вокзалда тунадик. Ўша лаҳзалар болам ўғил эканлигига шукур қилдим. Тасаввур қилинг, қизингиз билан кўчаларда дарбадар тентишни, вокзалларда тунашни, даҳшат-ку! Эрталаб акамникига бордим. Кеннойим оғзига келганини гапирди, акам сассиз ўтирди. Бир оғиз «қол», демади. Яна кўча, яна бошпана илинжида сарсонлик... Кечга бориб ёмғир томчилай бошлади, совуқ томчилар жон-жонингдан ўтиб кетай дейди. Қўрқувга тушдим. Яна вокзалда тунаб қололмасдик. Бекатда чорасизликдан кўзларимдан оқаётган ёшларни артишга ҳам ҳолим келмай турганида у қаршимда пайдо

## # Yengil atletika

Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Safina Sadullayeva Yevropada o'tkazilgan yengil atletika bo'yicha ikkita yirik musobaqada muvaffaqiyatli qatnashdi. Vengriyaning Budapesht shahri mezbonlik qilgan Gran-pri turnirida sportchimiz g'alabasi sharafiga O'zbekiston bayrog'i baland ko'tarilib, yurtimiz madhiyasi yangradi.



# “O‘ZBEKISTONNING YANGI NADEJDASI”

Balandlikka sakrash deganda, yurtimiz sport muxlislari birinchi navbatda dunyo miqyosida “O'zbekiston Nadejdasi” deb nom qozongan xalqaro toifadaga sport ustasi kapitan Nadejda Do'sanovani tilga olishadi. Chunki u ko'plab xalqaro musobaqalarning g'olib va sovrindori, xotin-qizlar o'rtasida balandlikka sakrash bo'yicha O'zbekiston hamda Osiyo rekordchisi (*rekord – 1.98 metr*) hisoblanadi. Endilikda yurtimizda “O'zbekiston Nadejdasi”ning munosib izdoshi, balandlikka sakrash bo'yicha yangi iste'dod sohibasi paydo bo'ldi. U MVSM vakili Safina Sadullayevadir. Eslatib o'tamiz, 23 yoshli bu atletimiz “Tokio – 2020” yozgi Olimpiya o'yinlarida 1.96 metr ko'rsatkich bilan oltinchi o'rinni egallagan va buni oldindan kutmagan jahon mutaxassislari “yetakchi sportchilarning yangi raqobatchisi paydo bo'ldi”, deb baholashgandi.

2021-yilgi mavsumda Turkiyaning Istanbul, Antalija va Mersin shaharlarida o'tkazilgan turli darajadagi xalqaro turnirlarning 3 ta oltin va bitta kumush medaliga sazovor bo'lgan MVSM vakili Safina Sadullayeva bu yil ham yuqori mahorat namoyish etmoqda. Xususan, u shu yilning iyul va avgust oylarida ketma-ket uchta yirik musobaqada qatnashib, ikkitasida sovrindor bo'ldi. Yosh sportchimiz dastlab AQShning Yujin shahrida o'tkazilgan yengil atletika bo'yicha 18-jahon chempionatida ishtirok etdi. Chempionat dasturi va bahslarning borishiga muvofiq final bosqichda qatnashish huquqini qo'lga kiritish uchun sportchilar saralash bosqichda 1.93 metr balandlikni zabt etishlariga to'g'ri keldi. Safina buni tezda uddaladi. Final bahslarida ham MVSM atleti yuksak mahorat namoyish etdi. U dastlabki urinishlarda 1.89 va 1.93 metr, so'ng 1.96 metr balandlikdan oshib tushishga muvaffaq bo'ldi! 1.98 metr uchun bahsda Sadullayevaning birinchi harakati omadsiz o'tdi. Jahon chempionati o'ta murosasiz kechgani bois, u mazkur balandlikni o'tkazib yubordi va zaxirada qolgan 2 urinishni 2 metr balandlik uchun ishlatishni tanladi. Biroq yakunda ushbu urinishlar ko'ngildagidek chiqmadi va sportchimiz 1.96 metr ko'rsatkich bilan cheklanishga majbur bo'ldi. Ushbu natija uning dunyo birinchiligini beshinchi o'rinda yakunlashini ta'minladi.

Jahon chempionatidan so'ng sportchimiz AQShdan Polshaga keldi



va Xalqaro yengil atletika assotsiatsiyasi shafeligida o'tkazib kelinadigan “Brilliant liga” musobaqasida qatnashdi. Nufuzi jihatdan jahon chempionatidan keyingi o'rinda turuvchi mazkur musobaqada MVSM vakili yurtimiz sportiga oid ajoyib voqelikni sodir etdi. U balandlikka sakrash bahslarida 1.92 metr natija ko'rsatib, musobaqaning oltin medalini qo'lga kiritdi. Shu paytga qadar yurtimiz atletlari “Brilliant liga” musobaqasida g'olib chiqmagandi. Safina Sadullayeva mazkur nufuzli musobaqada zafar qozongan birinchi o'zbekistonlik atletga aylandi.

Endi 24 yoshni qoralagan sportchimiz Polshadan Turkiya sari yo'l oldi va V Islom birdamligi o'yinlarida qatnashdi. Ketma-ket musobaqalar va yo'l yurishning turli murakkabliklariga qaramay yosh atletimiz Turkiyada ham Polshadagi muvaffaqiyatini takrorladi. Sadullayeva Turkiyada 1.97 metrlik natija bilan o'zining shaxsiy rekordini yangilash barobarida chempionlikni tantana qildi.

MVSM atleti o'tgan hafta Vengriyaning Budapesht shahrida o'tkazilgan Gran-pri turnirida qatnashdi va muvaffaqiyatga erishib, yurtimiz sport muxlislari yana bir bor xushnud etdi. Gran-pri turnirida sportchimiz g'alabasi sharafiga O'zbekiston bayrog'i yuksak ko'tarilib, madhiyamiz yangradi. Ushbu g'oliblikka erishish uchun unga bu safar 1.90 metr balandlikdan oshib tushish yetarli bo'ldi. Ukrainalik Katerina Tabashnik 1.86 metr balandlik natija bilan kumush, musobaqa mezboni vakili Barbara Szabo 1.83 metr ko'rsatkich bilan bronza medalni qo'lga kiritdi.

Safina Sadullayeva Vengriya Gran-pri turniridan oldin Belgiyaning Bryussel shahrida o'tkazilgan “Brilliant liga” musobaqasining 12-bosqich bahslarida ham qatnashdi. Ta'kidlash joiz, jahon chempionatidan keyingi o'rinda turuvchi mazkur musobaqa har doimgidek murosasiz va qiziqarli kechdi. “Brilliant liga” bahslari dunyoning 100 dan oshiq davlatida oynay jahon orqali to'g'ridan to'g'ri namoyish etilishi ham bunga yorqin misol. Qolaversa, ushbu musobaqada istagan sportchi yoki jamoa ishtirok etolmaydi. Unga tashkilotchilar tomonidan jahon reytingida o'z o'rniga ega bo'lgan mahoratli sportchilar taklif etiladi. Olimpiya o'yinlari hamda jahon chempionatlarining o'nlab g'olib va rekordchilari qatnashgan mazkur musobaqada Vatanimiz nomi ham yangradi. Balandlikka sakrash bo'yicha yurtimizning yangi yorqin yulduzi Safina Sadullayeva avstraliyalik jahon chempioni Eleanor Patterson, Yevropa chempioni, yopiq inshootlarda o'tgan jahon chempionati g'olibi ukrainalik Yaroslava Maxuchix, Olimpiya o'yinlari kumush medali sovrindori Nikola Olislagers va jahon chempionati bronza medali sovrindori Yelena Vallortigara kabi kuchli sportchilar bilan g'oliblik uchun o'zaro bahs olib bordi. MVSM atleti Belgiyada 1.91 metr natija qayd etib, “Brilliant liga” musobaqasini 4-o'rinda yakunladi. Bronza medalga egalik qilish uchun undan biroz omad yuz o'girdi. Chunki musobaqaning bronza medali sohibi Nikola Olislagersning natijasi ham Safinaniki kabi 1.91 metr bo'ldi, faqat qo'shimcha ko'rsatkichlar bo'yicha Olislagers ustunlikka erishdi.

Shu tariqa, sovrindorlarni taqdirlash jarayonida Belgiyada O'zbekiston nomi va Safina Sadullayeva ham tilga olindi. Mazkur bahslarda ukrainalik Yaroslava Maxuchixga omad kulib boqdi, deyish mumkin. Bundan bir oy muqaddam o'tkazilgan “Brilliant liga” musobaqasining avvalgi bosqich bahslarida Safinadan so'ng ikkinchi o'rinni egallagan Maxuchix bu safar ochiq havodagi musobaqalardagi o'zining eng yaxshi natijasini qayd etdi, ya'ni 2.05 metr balandlikdan oshib tushib, g'alaba qozondi. Kumush medal 1.94 ko'rsatkichga erishgan avstraliyalik Pattersonga topshirildi.

O'z o'rnida shuni ham e'tirof etish joiz: raqobat bor joyda o'sish, rivojlanish bor. Buni balandlikka sakrash bo'yicha hamyurtimiz Svetlana Radzivil va MVSM atleti kapitan Nadejda Do'sanova o'rtasidagi o'zaro sog'lom raqobatda ham ko'rish mumkin. Ularning o'zaro raqobatlashuvi oxir-oqibat har ikkisi tomonidan Osiyo rekordining o'rnatilishiga olib keldi. Svetlana Radzivil 2008-yilning 22-may kuni O'zbekiston kubogi uchun kechgan ochiq chempionatda 1.98 metr natija ko'rsatib, xotin-qizlar o'rtasida balandlikka sakrash bo'yicha O'zbekiston va Osiyo rekordini o'rnatgan bo'lsa, oradan ikki oy o'tgach Nadejda Do'sanova Litvaning Kaunas shahrida o'tkazilgan xalqaro turnirda bu natijani takrorladi. Ular bugungi kunda ham o'z faoliyatlarini davom ettirmoqda. Xususan, Svetlana Radzivil o'tgan oy Turkiyada o'tkazilgan V Islom birdamligi o'yinlarida qatnashdi va Safina Sadullayeva bilan o'zaro raqobatlashib, 2-o'rinni egalladi. 35 yoshdan oshgan kapitan Nadejda Do'sanova esa o'tgan yili Turkiyaning Mersin shahri mezbonlik qilgan xalqaro turnirda 1.89 metr natija bilan kumush medalni qo'lga kiritgan bo'lsa, Sadullayeva 1.94 metr natija bilan g'olib chiqqandi. Ha, endilikda yurtimizda O'zbekiston va Osiyo rekordchilari kapitan Nadejda Do'sanova va Svetlana Radzivilning munosib izdoshi Safina Sadullayeva ham paydo bo'ldiki, bu sport muxlislirimizni g'oyat xursand etmoqda. Shu o'rinda eslatib o'tamiz, xotin-qizlar o'rtasida balandlikka sakrash bo'yicha jahon rekordi 2.09 metr bo'lib, u 1987-yili Berlinda bolgariyalik Stevka Kostadinova tomonidan, Olimpiada rekordi esa 2.06 metr bo'lib, u 2004-yili rossiyalik Yelena Slesarenko tomonidan o'rnatilgan. Biz xalqaro maydonda “O'zbekistonning yangi Nadejdasi” sifatida porlagan Safina Sadullayevaning kelgusida ana shu rekordlarni yangilashini kutib qolamiz.

Rasul JUMAYEV,  
«Vatanparvar»

# Armiya sporti

Жорий йилнинг август ойи давомида Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтган V Ислон бирдамлиги ўйинлари Ўзбекистон делегацияси учун жуда омадли бўлди. 60 га яқин давлат орасида юртимизнинг 2-ўринни эгаллашида атлетларнинг ҳиссаси катта бўлди. Эътиборлиси, оғир атлетикачиларимиз барча спорт турлари орасида Ўзбекистон делегацияси жамғармасига энг кўп – 24 та медаль тақдим этди. Шундан 15 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза. Шу тариқа, Ўзбекистон Ислон бирдамлиги ўйинларининг оғир атлетика спорт тури бўйича тенгсиз эканлигини кўрсатди.



Muallif suratga olgan

# «ҲАЯЖОННИ БОСОЛМАГАН ОҒИРЛИКНИ КЎТАРОЛМАЙДИ»

Бунда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази спортчиларининг муносиб ўрни бор. Чемпионлар билан мусобақа таассуротлари ҳақида ўртоқлашиш учун улар машғулот ўтказётган Чирчиқ шаҳрида бўлди ҳамда суҳбатлашдик.

**Руслан НУРУДИНОВ:**



Ислон бирдамлиги ўйинларида -109 кг вазн тоифасида иштирок этган Нурудинов даст кўтаришда 187 кг, силтаб кўтаришда 230 кг ва икки кураш бўйича 417 кг оғирликни забт этган ҳолда, ўйинлар рекордини ўрнатди ҳамда 3 та олтин медални қўлга киритди.

– Ислон бирдамлик ўйинларигача бир қанча ўзгаришлар бўлди. Аслида бор куч-ғайратни Осиё чемпионатида қаратган эдим, – дейди катта лейтенант Руслан Нурудинов. – Аммо маълум сабабларга кўра Конья шаҳрига боришимга тўғри келди. Машғулотларда тўпланган шунча кучни қаергадир ишлатиш керак-ку. 9 ой давомида кўрилган тайёргарлик ўз самарасини берди. Беш ёшимдан оғир атлетика билан ҳамнафасман. Саккиз ёшимда машғулотларда мунтазам иштирок этиб юрарканман, менда бу спорт тури бўйича аниқ тушунча бор эди. Бу ҳолат кейинчалик мақсадимга эришиш йўлида пойдевор вазифасини ўтади. Спорт таваккалдан иборат:

ёки ютқазасан, ёки ютасан. Мен спортчи сифатида мағлубиятни ҳам, ғалабани ҳам бошимдан ўтказдим. Шунинг учун оғир атлетикага энди кириб келаётган ёшларга айтмоқчиманки, аввало, бирор ишни бошлашдан олдин унинг моҳиятини тушуниб олишсин. Кўр-кўрона эргашмасин. Ўзлигини топиш учун жонини қийнасин. Кўпроқ китоб ўқисин. Жисмоний кучни барибир ақл бошқариши шарт. Бунинг учун, албатта, интеллектуал салоҳият юқори бўлиши керак. Шундагина қайта оёққа туриш осон бўлади.

**Сарварбек ЗАФАРЖОНОВ:**



89 кг вазн тоифасида иштирок этган қаҳрамонимиз даст кўтаришда 167 кг, силтаб кўтаришда 199 кг, икки курашда эса 366 кг тош билан мутлақ чемпионликни расмийлаштирди ва 3 та олтин медални қўлга киритди.

– Бу мусобақага тайёргарлик жараёнларида мураббийларимиз билан рақибларимизни ўргандик. Музокаралар, баҳслар ҳамда тўғри тактикамиз ўз самарасини берди. Натижа эса кутганимиздек аъло даражада бўлди, – дейди Қуролли Кучлар хизматчиси Сарварбек Зафаржонов. – Одатда, чемпионатлардаги рақибларимизни жуда чуқур ўрганмаймиз. Чунки юртимизда оғир атлетиканинг ўз мактаби бор. Бизнинг атлетларимизни бошқалар ўрганишга ҳаракат қилишса керак,

деб ўйлайман. Мана яқиндагина шахматчиларимизнинг ютуқларини кўрдик, улар ҳам юртимизда шахмат мактабининг пойдевори мустаҳкамлигини исботлаб беришди. Боксчилар ҳам жаҳон ареналарида юқори ўринларни банд этган ҳолда, ўз муҳрларини босишди. Худди шу каби бизнинг йўналишимизда ҳам ўз муҳрига эга бўлган атлетларимиз анчагина. Оғир атлетика спорт турида алдов кетмайди. Ёки оғирликни кўтариб ғолиб бўласан, ёки мағлуб. Бунинг учун, албатта, ҳаяжонни йўқотиш керак. Ҳаяжонни босолмаган атлет оғирликни кўтаролмайди. Шахсан менда ҳар қандай мусобақача бўлган даврда ҳаяжон бўлади. Аммо майдонга чиққанимда ҳамма нарсани унутаман ва оғирликни кўтариш учун диққатимни жамлайман. Мусобақадан олдинги ҳаяжон аввало ота-онам, юртим ва Президентимнинг олдидаги масъулият туфайли. Минг шукурки, Ислон бирдамлик ўйинлари мусобақасида юзимиз ёруғ бўлиб, Ватанга қайтдик.

**Адҳамжон ЭРГАШЕВ:**



67 кг вазн тоифасида Қуролли Кучлар хизматчиси Адҳамжон Эргашев даст кўтаришда 141 кг, силтаб кўтаришда 173 кг ва икки курашда эса 314 кг оғирликни забт этган ҳолда 2 та олтин, силтаб кўтариш машқида кумуш медалга сазовор бўлди.

– Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтган V Ислон бирдамлик ўйинлари спортчилик фаолиятимдаги биринчи иштироким бўлди, – дейди Адҳамжон Эргашев. – Тайёргарлик жараёнлари жуда аъло даражада бўлиб ўтди. Машғулотларда кечган машаққатларимиз ижобий самара берди. Юртимиз терма жамоаси 24 та медални қўлга киритди. Бу мусобақанинг яна бир ўзгача ўтказилганлиги шундаки, оғир атлетика йўналишининг шартига кўра, икки кураш натижаси бўйича битта медаль тақдим этилиши керак эди. Аммо Ислон бирдамлик ўйинларининг ишлаб чиққан низомига кўра, даст кўтаришга алоҳида, силтаб кўтаришга алоҳида, икки кураш натижасига ҳам алоҳида медаль жорий этилди. Бу эса бизга янада кўпроқ медаллар олиш имконини яратди.

Бу спорт турига қизиқишим 12 ёшимдан бошланган. Дадам ҳам тош кўтариш спорти билан шуғулланган. Аммо ўша пайтдаги шарт ва шароитнинг бугунгидек бўлмаганлиги учун ҳаваскор спортчи сифатида қолиб кетган. Кейинчалик ўзининг эриша олмаган орзусини менда ушалишини хоҳлаганлиги учун спорт мактабининг оғир атлетика бўлимига олиб келган. Ўшанда энг биринчи кўтарган оғирлигим 5-8 килограмм бўлган. Уларнинг орзусини амалга ошираётганимдан жуда бахтиёрман. Эришаётган ютуқларимни ота-онамнинг дуолари ижобати, деб биламан.

2022 йил якунига қадар яна иккита халқаро мусобақамиз бор. Баҳрайнда Осиё чемпионати, Колумбияда жаҳон чемпионати бўлиб ўтиши режалаштирилган. Насиб этса, шу йирик мусобақада ҳам юқори натижани эгаллашга бел боғлаганмиз. Албатта, бунинг учун бизда етарлича шароитлар яратилган. Мураббий ва шифокорлар назоратида машғулотларни бошлаб юборганмиз.

Атлетларимизнинг мазмунли ва ҳаяжонли суҳбатларини тинглаб туриб, куннинг кеч бўлганини ҳам билмай қолибмиз. Келажакдаги мусобақаларда уларга омад тилаб, қоронғи тун қўйнида манзилимиз томон йўлга тушдик.

**Шерзод ШАРИПОВ,**  
«Vatanparvar»

## # Harbiy texnika

## РОБОТ-ТЕХНИКА



## КОМПЛЕКСИ

АҚШ полигонларида «Хове энд хове техноложиз» компанияси мутахассислари томонидан яратилган «Рипсо М5» типдаги истиқболли жанговар робот-техника комплексининг дала синовлари давом этмоқда. Масофадан бошқарилувчи зирҳланган гусеничали энгил машинани ифодаловчи «Рипсо М5»нинг двигатели ва трансмиссияси орқа томонда жойлашган, подвеска (илгич) гидропневматик, ҳар бир бортда жуфт-жуфт қилиб ўрнатилган олтитадан таянч каток (ғилдирак) бор. Машинанинг жанговар оғирлиги унинг компоновкаси (тузилиши)га боғлиқ ҳолда деярли 10 тоннагача бўлиши мумкин. «Рипсо М5»га дизель двигатели ёки гибрид (электр двигателли) кучланиш қурилмасини ўрнатиш имконияти мавжуд. Юқори даражадаги манёврчанликка эга бўлган мазкур жанговар воситага турли типдаги ўқотар қуруллар ва тўплар, танкка қарши «Жавелин» типдаги ракета комплекслари, шунингдек, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимларини ўрнатиш кўзда тутилган. Бу машинадан пиёда бўлинмаларни ўт очиш орқали қўллаб-қувватлаш, турли колонналарни кузатиб бориш, разведка вазифаларини бажариш учун фойдаланиш мумкин. Келгусида бу типдаги машиналарни якка ҳолда, шунингдек, улардан ташкил топган ҳаракатчан зарбдор гуруҳлар сифатида қўллаш режалаштирилмоқда. «Рипсо М5»ни бошқариш оператор томонидан пулт ёрдамида радиоканал орқали ёки бошқа жанговар машинадан амалга оширилиши мумкин. Машина конструкцияси уни буюртмачининг талабига кўра муайян вазифаларни бажариш учун мослаштириш имконини беради. Масалан, «Рипсо М5»нинг шундай варианты ҳам мавжудки, унда қурулли башня ўрнига «Скайрейдер» типдаги разведкачи учувчисиз учиш аппаратларини олиб юриш ва учуриш учун мўлжалланган махсус платформа ўрнатилган.

## РАЗРАБОТКА ЯПОНСКИХ



## СПЕЦИАЛИСТОВ

Японский основной боевой танк (ОБТ) «Тип 74» создан специалистами компании «Мицубиси хэви индастриз». В основу конструкции корпуса танка положена стандартная компоновочная схема, где моторное отделение размещено в кормовой части. Основное вооружение состоит из нарезной 105-мм пушки серии L7 (боекомплект 55 снарядов) и спаренного с ней 7,62-мм пулемета. Экипаж четыре человека: командир, механик-водитель, наводчик орудия и заряжающий. Корпус танка сварной, а башня литого типа. Высокий уровень защиты достигается за счет максимальной толщины брони в лобовой проекции, значительных углов наклона корпусных плит и обтекаемой формы низкопрофильной башни. На машину установлен V-образный многотопливный двигатель марки 22 WT мощностью 720 лошадиных сил, который позволяет развивать максимальную скорость движения по шоссе около 60 км/ч. Боевая масса ОБТ 40 тонн, длина 6,7 метра (с пушкой вперед 9,4 метра), ширина 3,2 метра, высота по крыше башни 2,7 метра. Ходовая часть танка оснащена подвеской специальной конструкции, которая позволяет при необходимости изменять клиренс в пределах 20-65 см. На базе «Тип 74» выпущен ряд специализированных средств. В частности, инженерные танки активно использовались в качестве бульдозеров для расчистки территорий в условиях радиоактивного заражения в районе аварии на АЭС «Фукусима».

ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ  
ОСВЕДОМЛЕННОСТИ

## ЭКИПАЖЕЙ

Французская компания «Некстер» представила концепцию «ФайндИгл» (FindEagle), предназначенный для повышения ситуационной осведомленности экипажей боевых бронированных машин (ББМ) за счет применения беспилотных летательных аппаратов (БПЛА). Один из таких аппаратов – квадрокоптер со взлетной массой 8 кг и размером 700 x 700 x 160 мм соединен с ББМ кабель-тросом длиной до 50 м, который обеспечивает электропитание, управление и передачу данных. Управление аппаратом может осуществляться из машины как на стоянке, так и в движении со скоростью до 10 км/ч (максимальная скорость ветра 45 км/ч), а также с помощью портативного выносного пульта. Беспилотник имеет низкий уровень шума и способен к автоматическому взлету и посадке. Квадрокоптер оснащен теле- и тепловизионной камерами с функцией захвата движущихся объектов, лазерным дальномером с дальностью применения до 5 км. В качестве полезной нагрузки могут устанавливаться другие оптические и навигационные системы. Второй БПЛА не связан с ББМ и может развивать скорость до 40 км/ч. Он оснащен тепловизионной камерой и лазерным дальномером с дальностью применения до 1 км. По заявлению разработчиков, открытый интерфейс системы позволяет использовать в составе ББМ до трех беспилотных средств.

## ЕНГИЛ ШТУРМЧИ



## САМОЛЁТ

АТ-6Е «Вулверин» типдаги енгил штурмчи самолёт АТ-6 нинг модернизацияланган варианты бўлиб, уни АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларига етказиб бериш 2021 йилда бошланган. Янги вариантдаги самолётнинг борт радиоэлектроника ускуналари таркибига қўшимча равишда йўлдош орқали радиоалоқа аппаратураси, шунингдек, бир қатор бошқа ускуналар ҳам киритилган бўлиб, мазкур машинани такомиллаштириш ишларини амалга оширган «Текстрон» фирмаси томонидан улар ҳақида ҳеч қандай маълумотлар берилмаган. АТ-6Е «Вулверин»нинг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагича: экипаж 2 кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 2 948 кг, жанговар юкланмининг максимал оғирлиги 1 360 кг, максимал учиш тезлиги 585 км/с, амалий кўтарилиш баландлиги 7 620 метр (тўлиқ юкланма билан). Кучланиш қурилмаси – «Пратт энд Уитни» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қуввати 1 194 кВт бўлган, тўрт парракли винт билан жиҳозланган РТА-68D типдаги турбовинтли двигател. Самолёт қанотлари остидаги олти ташқи илгичга жойлаштирилиши мумкин бўлган қуруллар: иккита 12,7 мм.ли авиация тўпи; BDU-33 типдаги олти авиабомба; иккита 12,7 мм.ли авиация тўпи, иккита BDU-33 типдаги авиабомба ва бошқарилмайдиган авиация ракеталарини ишга туширувчи иккита қурилма; калибри 500 фунтли Mk 82 типдаги иккита авиабомба. Бундан ташқари, авиацион зарба воситалари таркибига «ҳаво-ҳаво» тоифасидаги бошқарилувчи ракеталар, «Пэйвүэй-2,-4» типдаги бошқарилувчи авиация бомбалари, шунингдек, SDB типдаги кичик габаритли бомбалар киритилиши мумкин.

# Xotira

# МАНГУЛИККА

Тинчлик – улуг неъмат. Уни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Юрт осудалигини ҳаловатидан устун билиб, Ватан хизматига вел боғлаган марди майдонлар борки, тунда бежавотир ором олиб, тонгда хотиржам уйғонишимиз, севган касбимиз билан шуғулланишимиз мумкин. Ана шу вахтиёр ҳаётни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб, халқимизнинг эркин ва фаровон турмуши йўлида ўзининг азиз жонини қурбон қилган фидойи, жасур ўғлонларнинг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси майор Зухриддин Ғуломов ҳам ўз қасамёдига содиқ қолиб, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган юрт ҳимоячиларидан бири эди.

Фарғона вилоятининг Бувайда туманида зиёлилар оиласида таваллуд топган Зухриддин 2004 йилда

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати институтига ўқишга киради. Қаҳраонимиз ўзининг фаоллиги, тиришқоқлиги ва қобилияти билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ҳарбийликка эса, уни юрагидаги Ватанга бўлган

зифасини ўташ вақтида мардларча ҳалок бўлди. Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида жон фидо этган ўғлоннинг хизматлари алоҳида эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, майор Зухриддин

ни абадийлаштириш мақсадида мактаб ҳовлисида унинг бюсти ўрнатилди.

Бюстнинг тантанали очилиш маросимида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ва фахрийлари, мактаб маъмурияти, ўқувчи-ёшлар, Зухриддиннинг яқинлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Сўз олганлар майор Зухриддин Ғуломовнинг тенгсиз жасоратини ёд олар эканлар, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, тинчлиги ва ободлиги йўлида жон фидо қилган ўғлонлар хотираси неча замонлар ўтса-да, унут бўлмаслиги, ҳамиша қалбларда яшашини таъкидладилар. Бюстнинг айнан у ўқиган мактабда ўрнатилиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаши билан бирга, келгусида улкан қаҳрамонликлар сари ундаши эътироф этилди.

Шундан сўнг, мусиқа садолари остида бюст очилиб, қаҳрамон хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Меҳмонлар мактаб биносида ташкил этилган хотира бурчагида ҳам бўлиб, жасур ўғлон ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Тадбир давомида ҳарбийлар томонидан мактаб ўқувчиларига китоблар совға қилинди.

Албатта, элим деб, юртим деб яшаган, керагида унинг ҳимоясига кўксини қалқон қилган жасур ўғлонларнинг мангуликка дахлдор умри, замонлар оша келгуси авлодлар учун чинакам мардлик намунаси бўлиб қолаверади.

**Майор Фарида БОБОЖОНОВА**  
ДХХ Чегара қўшинлари



чексиз муҳаббат ва соҳага бўлган кучли иштиёқ етаклаган эди. Юрт ҳимоясини ўзи учун шараф деб билган Зухриддин Ғуломов 2008 йилдан то ҳаётининг сўнги дақиқасига қадар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилди.

Эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган қатъиятли, тартиб-интизомни ҳуш кўрадиган, ҳар қандай топшириқни масъулият билан бажаришга одатланган Зухриддин 2016 йил октябрь ойида хизмат ва-

Ғуломов вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланди. Қисқа умр кўрган бўлса-да, ёдини миннатдор авлодлар хотирасига муҳрлаб кетган қаҳрамон ўғлоннинг порлоқ хотираси бугун алоҳида фахр билан тилга олинади.

У ўқиган Бувайда туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам айна шу масканда таҳсил олаётганларидан бениҳоя ғурурландилар. Жасорат тимсоли бўлмиш ўғлоннинг хотираси-

# Mushohada

# ИЛҲОМ

Баъзан атроф-муҳит, она табиат сизни ўзига чорлайди. Ундаги гўзалликдан ваҳра олиб, шеър ва ҳикоялар битгингиз келади. Гоҳида миянгиз танлаган мавзу ҳақида маълумотлар, воқеалар ривож, тасвир ва иллюзиясини режалаштириб қўяди-да, бироқ уни қай йўсинда асар ҳолатига келтиришни ўйлайди. Шундай пайтда сиз ижод қиласиз-у, ўқиб чиқсангиз ўзингизга ёқмаганини сезасиз. Чунки кўнглингиздагидек чиқмайди-да! Ёки ўша машқни таҳририятга олиб борсангиз, ёзилмангиз нашрга тавсия этилмай танқидга учрайди. Балки бу омадсизликларнинг сабаби ўзингизга хос муҳитни ҳалигача излаб топмаганингиздир...

# БЕРКИНГАН МАЙДОН

Ҳаттоки, оламга машҳур, донғи кетган шоир ва ёзувчилар ҳам ушбу усулни қўллашган. Улар ҳеч ким безовта қилмаслиги учун қамалиб олишган. Ёки айрим безовта қилишлик сабаблар фикрни қочириши мумкин, деб ўйлашган. Масалан, испаниялик таниқли ёзувчи Мигель де Сервантес ўз асарларини қамқоқхонада ёзишни режалаштирган. Унинг «Дон Кихот» асари панжаралар орасида яралган. Бундан ташқари, бошқа ёзувчилар ҳам ушбу усулни қўллашган. Жон Беньяннинг «Авлиёнинг саёҳати», Оскар Уайльдининг «Қамқоқхонадаги истиғфор», Никколо Макиавеллининг «Хукмдор» романлари шулар жумласидан.

«Маугли» мультфильмини кўрмаган боланинг ўзи бўлмас керак?! Маугли ҳақида мультфильмлар, кинолар, спектакллар ишлаб чиқилган. Ушбу образни яратган инглиз ёзувчиси Редьярд Киплинг ҳам ноодатий тарзда ижод қилган. Сиз севиб томоша қиладиган «Маугли», «Рики-Тики-Тави», «Довюрак денгиз сайёҳлари» каби саргузашт асарларни қора рангли сиёҳда ёзган. Агар унинг сиёҳи бошқа рангда бўлса, у бир қатор ҳам жумла қоралай олмаган.

Яна бир инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенс юзини шимолга ўгирган ҳолдагина ижод қила олган. У шимолдан эсаётган шабада ва илҳом таъсирида «Оливер Твистнинг саргузаштлари», «Мартин Чезлвит», «Машаққатли замон», «Дэвид Копперфильд» ва бошқа романларни яратган. Ҳаттоки, у юзини шимолга қаратиб ётмаса, тунлари ухломмаган.

Франциялик ёзувчи Оноре де Бальзак ҳар сафар янги асар ёзишдан олдин бир-икки ой муддатга ўз хонасида қамалиб оларкан. Ёзувчи пардаларни ёруғлик кирмайдиган даражада маҳкам ёпиб, халатини кийиб, шам ёруғида ижод қиларкан. Бальзак кунига 18 соат ёзар, бу вақт давомида унга кун ва туннинг фарқини билмаслик муҳим аҳамият касб этаркан. Унинг ана шундай қоронғида ёзган «Горио ота», «Йўқотилган орзулар», «Инсон комедияси» асарлари бутун дунёга машҳур.

Ўзбек адабиётининг ёрқин намояниси Абдулла Қодирийнинг ҳам ўз муҳити бўлган. Ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг эслашича, у «Ўткан кунлар» романини хонага қамалиб, ҳеч ким безовта қилмаслигини ҳаммага тайинлаб, ичкарига кириб кетаркан. Шу зайлда кун бўйи ижод қиларкан. Бир куни Ҳабибулла Қодирий бехосдан ўша хонага кириб қолса, ёзувчи хўнграб йиғлаётган экан. Чунки ўшанда Кумушбинининг хотимаси ёзиб тугатилган.

Ижодкорлик ҳар биримизнинг қалбимизда пинҳон. Демакки, бунга ишончимиз комилми, уни юзага чиқармоқ учун илҳом беркинган майдонни топишимиз керак.

**Азим АХТАМОВ**



## # Kelajagimiz egalari

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги Ромитан тумани ўқув спорт-техника клубида ёшларнинг ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват, маънавий баркамол бўлиб вояга етишлари, шунингдек, улар қалбида Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

# ВАТАНПАРВАРЛИК

Ромитан тумани ўқув спорт-техника клуби таркибида 1 036 нафар аъзо бўлиб, улар битта бошланғич ташкилотга биришган. Ташкилотда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар тизимли, босқичма-босқич ва самарали ташкил этилган. Шу мақсадда маҳалла ҳамда энг чекка ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича «Ўзбекистон – Ватаним менинг!», «Ватанпарвар» – менинг танловим!», «Менинг обод маҳаллам», «Очиқ эшиклар куни», «Уч авлод учрашуви» тадбирлари, «Ватанпарвар» ташкилотининг спортнинг техник ва амалий турлари бўйича турли хил кўргазмалари намойиши мунтазам ўтказилмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Қувноқ стартлар», «Ким чаққон, ким эпчил», «Йўл ҳаракати қоидаларининг ёш билимдони»,

«Пиёда – умринг бўлсин зиёда» мавзусида викториналар ҳамда тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ташкилот томонидан ўтказилаётган турли хил тадбирлар, учрашувларда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳасида, шунингдек, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган ёш авлод вакиллари жалб этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳарбий-ватанпарварлик йўналиши бўйича 51 та, маънавий-маърифий 40 та ҳамда 35 тадан ортиқ оммавий спорт тадбирлари ўтказилди.

Маълумки, ёшларни Ватанга садоқатли, эл-юрт учун фидойи хизмат қиладиган, жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам ташкилотимизда спортни оммалаштиришга ва ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ромитан тумани ўқув спорт-техника клубида «Ҳаво милтиғидан ўқ



## ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ!

отиш», «Ёзги биатлон», «Мото», «Кардинг», «Дуатлон» каби спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўғрак ва секциялар фаолият олиб борилмоқда. Ҳозирда 5 та секция ва тўғрак мавжуд бўлиб, уларда 60 нафар ёш қамраб олинган. Ўқув спорт-техника клуби томонидан 4 та вилоят, 10 та туман ҳамда 7 та клуб мусобақалари ўтказилди. Барча мусобақаларда 600 нафардан ортиқ спортчи қатнашди. Ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт тадбирлари вилоят, туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Айни пайтда мазкур даргоҳда халқ хўжалигининг турли тармоқлари

учун «В», «ВС», «С», «D», «E» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Шунингдек, ҳайдовчилар малакасини ошириш курслари ҳам ташкил этилган. Жорий йилнинг 7 ойи давомида 400 нафар ҳайдовчи тайёрланиб, бу борадаги режанинг тўлиқ бажарилишига эришилди. Малакали мутахассислар тайёрлаш учун ташкилотимиз етарли ўқув моддий базага эга, замонавий синф хоналари, зарур шарт-шароитлар, барча керакли техник қурилмалар ҳамда транспорт воситалари билан таъминланган. Бу ўз навбатида бўлажак ҳайдовчилар малакасини оширишда ҳар томонлама қўл келаётир.

**М. ХОДЖИЕВ,**  
Ромитан тумани ЎСТК бошлиғи

## # Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida

Yoshlarni chaqiruvga qadar tayyorlash, ularni ona Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarining muhim vazifalaridan biridir. Bu o'ta muhim jarayonni tashkilotning Surxondaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Jarqo'rg'on tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi ham muvaffaqiyat bilan uddalamoqda.



Tashkilotning nizom talablari asosida tuman hokimligi, mudofaa, xalq ta'limi, Yoshlar ishlari agentligi, barcha davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda turli ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar o'tkazilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 31 yilligi munosabati bilan "Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz" degan bosh g'oyani o'zida mujassam etgan tadbirlar shular jumlasidandir.

Keyingi yillarda O'STKda "Yoshlar daftari" ro'yxatiga kiritilgan yoshlarga ham alohida e'tibor qaratilgan. Ular har tomonlama moddiy va ma'naviy jihatdan qo'llab-

# JARAYONLARDAGI MUVAFFAQIYAT



quvvatlanib, muntazam ravishda sport to'garaklariga jalb etilmoqda. Ayni paytda mana shu ro'yxatga kiritilgan yuz nafar yoshning 50 nafari haydovchilikning "B", "BC" toifalariga ega bo'lishgan bo'lsalar, yana 50 nafari o'quv kurslarida o'qishni davom ettirmoqda. Bundan tashqari, tashkilot tomonidan imzolangan memorandumga asosan 70 nafar harbiy xizmatchi ham haydovchilik kurslarida tahsil olmoqda.

– Sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish, yosh avlodni ma'nan va jismonan baquvvat etib voyaga yetkazish borasidagi yumushlarimiz sifatini yaxshilash maqsadida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Shuhrat Xo'jamqulov. – Shu munosabat bilan tashkilot etilayotgan sport musobaqalari yoshlarimizni yanada ruhlantirmoqda. Ayni paytda O'STK qoshida uchta seksiya va bitta to'garak mavjud bo'lib, ularda ellik nafarga yaqin kishi muntazam shug'ullanmoqda. Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash ishlari samaradorligini oshirish


maqsadida turli tadbir va sport musobaqalari tashkilot etilayotir. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad, birinchidan, sportning texnik va amaliy turlariga yoshlarni imkon qadar ko'proq jalb etish bo'lsa, ikkinchidan, ularning nufuzli musobaqalarda faol ishtirokini ta'minlashdan iboratdir. Shu bois ham musobaqalarda ishtirok etgan sportchilarimiz respublika bosqichida viloyatimiz sharafini munosib himoya qilmoqdalar.

Shu kunlarda tashkilotda haydovchilar tayyorlash ishlari ham muvaffaqiyat bilan bajarilmoqda. Birgina joriy yilning o'tgan oylari mobaynida 600 nafar "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchi tayyorlagan bo'lsa, yana bir nechta guruhlarda haydovchilikka nomzodlarni o'qitish mashg'ulotlari davom ettirilmoqda. Buning uchun tashkilot yetarli o'quv-moddiy bazaga ega bo'lib, barcha kerakli qurilmalar hamda zamonaviy transport vositalari bilan ta'minlangan.

# BOLAJOJON

Mashinada sayohatga chiqqan oilaga hayvonot bog'iga olib boradigan yo'lni ko'rsating!

LABIRINT



## IKKI IRMOQ (ertak)

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, baland tog'lar tepasida ikki irmoq bo'lgan ekan. Ular bahor faslida tog'lar tepasidagi qorlar va muzlardan erib-erib irmoqlarga aylangan ekan. Ularning biri qo'li ochiq bo'lib, suvini barcha jonzorot va o'simliklarga berishni istarkan. Ikkinchi irmoq esa uning aksi, ya'ni suvini barchadan qizg'anar ekan. Irmoqlar havolar isib, suvlari ko'paygani sari pastga – vodiyya qarab yo'l olibdi. Maqsadlari pastdagi daryoga qo'shilib, to'lib-toshib oqish ekan. Ularni tog' yonbag'irlaridagi daraxtlar va o'simliklar intizor kuta boshlabdi.

– Irmog'onlar, tezroq kela qolinglar, kunlar

isigani sari tomirlarimiz qaqrab, suv ichgimiz kelyapti, – ularga yalinibdi daraxtlar.

– Biz ham sizlarni intiq kutyapmiz, kelmasangiz, urug'larimiz yetilmay qurib qolamiz, – irmoqlarga umidvor ko'z tutibdi o'simliklar.

– Mana, ketyapmiz, hademay oldingizga yetib borib, shirin suvimizdan bahramand etamiz, – ularni xursand qilibdi saxiy irmoq.

– Yo'q, mensuvimdan bermayman, – qaysarligi tutibdi, qizg'anchiq irmoqni. – Hammalaringga suvimdan bersam, qachon daryoga yetib boraman. Yaxshisi, hech narsa unmaydigan taqir yerlardan oqaman, daryoga qo'shilishim oson bo'ladi.

– Unday dema do'stim, – fikridan qaytarmoqchi bo'libdi saxiy irmoq. – Biz ularga suvimizdan bermasak qiynaladi, hatto qurib qolishi mumkin. Ularni qancha mehmon qilsak, muz va qorlar bizga shuncha suvlaridan in'om qiladi.

– Yo'q, baribir bermayman, – xasis irmoq shunday debdi-

da, tog'ning hech narsa o'smaydigan taqir joyi tomon shoshilibdi.

Saxiy irmoq esa daraxtlar va o't-o'lanlar oralab oqib, barchani suvidan bahramand qilibdi. U pastdagi daryoga yetib borgunga qadar barcha suvga mushtoqlarni siylabdi va daryoga qo'shilibdi.

Xasis irmoqning holi ne bo'ldi, deysizmi? Afsuslar bo'lsinki, xasis irmoq toshlar va giyohsiz joylardan oqib, harsanglar ostidagi tirqishlarga singib ketibdi. Qancha harakat qilmasin, daryo tomonga yo'l topa olmay, yo'q bo'lib ketibdi.

**Salohiddin ISMOILOV,**  
Mirzo Ulug'bek tumanidagi  
241-umumta'lim maktabining  
6-sinf o'quvchisi

# Gazetxon xandasi

# ЗАВҚЛИ ТАБАССУМЛАР

## СЎЗИГА ҚАРАБ МУОМАЛА

Юсуфжон қизиқ болалигида масхарабозларга шогирд бўлиб, уйдан кетиб қолган экан. Худодёрхон саройидаги Саъди Махсим уни ўз тарбиясига олади. Кунлардан бир кун беклар, уламолар ифторликка йиғиладилар. Устоз ёш Юсуфжоннинг қўлига офтоба, дастшўйни бериб, тайинлайди:

— Офтобага илиқроқ сув куйиб, қўлга сув берасан. Энг аввал тўрда ўтирган мингбошига бор. Агар «Саломат бўл!» деса, «Ўзлари ҳам саломат бўлсинлар!» дейсан. Хуллас, оғзидан чиққан сўзига қараб, муомала қилаверасан. Яна ғўдайиб, индамай ўтирмагин.

Юсуфжон офтобага қайнаб турган сувни куйиб, тўғри мингбошининг олдида боради. Сувни куйиши биланоқ мингбошининг қўли куйиб, «ух-ух, ҳа, жувонмарг бўл-а, жувонмарг бўл!» дейди. Юсуфжон қизиқ ҳам ҳозиржавоблик билан «Ўзлариям жувонмарг бўлсинлар!» дея тавозе билан хонани тарк этади.

## ҲОЗИРЖАВОБ БОЛАКАЙ

Юсуфжон қизиқ болалигидаёқ зукко ва ҳозиржавоблиги билан оғизга тушган экан. Бир куни қўшниси қўлига таклифнома тутқазиб, буни устозинг Зокир акага бериб қўйгин, эсингдан чиқмасин деб тайинлабди. Болакай таклифномани устозига етказибди. Шунда Зокир ака ижирганиб дебди:

— Нима, тўйга айтгани сендан бошқа тузукроқ одам топилмабдими?

— Уэр, устоз! — дея жавоб қилибди Юсуфжон қўлини кўксига қўйиб. — Дурустроқ одамлар дурустроқ одамларга таклифнома тарқатиш учун кетиб қолишган экан.

## ШОГИРДНИ СИНАШ

Қизиқчиликка ҳавасманд бир йигит Юсуфжон қизиқдан шогирдликка олишни қайта-қайта илтимос қилади. Уста ахийри рози бўлиб, шундай дейди:

— Қизиқчи бўламан деган одам аввало ҳаётни яхши ўрганиши, одамларга қайишиши, ростгўй, ҳаромдан хазар қилиши, покиза бўлиши лозим. Қани, айтинг-чи, ҳозир ичкарига кираётганингизда оёғингизни эшик тагидаги шолчага ардингизми?

— Ҳа, артдим, уста.  
— Афсус, ёлғон гапирясиз. Эшик тагига шолча қўйилмаган!..

## АЛЛАҚАЧОН ЎЛГАН ЭКАН

Бир куни Охунжон қизиқ ўзаро суҳбат чоғида Юсуфжон қизиққа шундай дебди:



— Уста, яқинда муҳим бир янгиликни ўқиб қолдим.

— Хўш, қандай янгилик экан у?  
— Эр-хотин ўртасидаги беш дақиқалик жанжал умрни беш кунга қисқартирар экан.

— Э, шундай эканми? — дея ўйга толибди уста. — Унда мен алақачон ўлган эканман-да!

## КУЛГАНИ ҲАЛИ ҲОЛВА

Бир одам бозорда, растанинг ўртасида Юсуф қизиқни учратиб, иддао қилибди:

— Уста, шогирдингиз Охунжон қизиқни бир танобини тортиб қўймайсизми?  
— Хўш, нима айб иш қилибди у?  
— Қачон қараманг, устимдан кулгани кулган. Қачонгача чидайман бунга?

— Шугинами? — дебди Юсуфжон қизиқ. — Сизнинг устингиздан кулганига шукур қилинг, ишқилиб, устингизда йиғламаса бўлгани...

## ҚАЧОН УЙЛАНГАН МАЪҚУЛ?

Охунжон қизиқ чойхонадаги ошхўрликда яқин дўстига шундай маслаҳат берарди:

— Ўғлингни ёш уйлама, кейин пушаймон ейсан. Сал улғайиб, оқ-қоранинг фарқига борсин. Хуллас, гап шу — яна уч-тўрт йил кут!

Сухбатга беихтиёр гувоҳ бўлиб ўтирган Юсуфжон қизиқ бутунлай бошқача маслаҳат беради:

— Ҳозир айни уйлайдиган пайтинг. Ўғлинг оқ-қорани таниб, сал ақли тўлишса, умуман уйлангиси келмай қолади.

## КИМГА НИМА КЕРАК?

Кунлардан бир куни устоз-шогирд — Охунжон қизиқ билан Юсуфжон қизиқ кўчада кетишаётган экан, йўл четида турган икки қоп хазонга кўзлари тушиб қолади.

— Агар шу икки қопнинг бири тўла пул, иккинчиси тўла ақл бўлиб қолса, қайси бирини олардингиз, уста? — деб сўрайди Охунжон қизиқ мийиғида кулимсираб.

— Мен ақл тўла қопни олардим, — дея жавоб қилади Юсуфжон қизиқ.

— Мен пул тўла қопни олардим, — дейди Охунжон қизиқ қув табассум билан. — Ҳар ким ўзига етишмаётган нарсани олади-да, уста...

## ВЕЛОСИПЕД ҲАНГОМАСИ

Кунлардан бир кун Охунжон қизиқ велосипед сотиб олади. Ошна-оғайнилари янги нарсани кўришгач, «Ювайлик, ювайлик», дея ошхонага чорлашади. «Ювиб» чиқишса, яп-янги велосипед ўрнида эгарсиз, қийшиқ-шийшиқ, дабдаласи чиққан бир нарса турганмиш. Охунжон ака ноилоҳ бу матоҳни етаклаб йўлга тушибди. Ҳазилкаш дўстлари бунга кўриб, яна тегажоглик қилишибди.

— Муборак бўлсин, Охун ака! Ҳа, энди ювайлик-да...

— Ювдик, яхшилар, ювдик, — дебди Охунжон қизиқ сир бой бермай. — Энди уни кўмгани олиб кетяпман. Юринглар, савобга шериқ бўласизлар.

Ошналар бу ғаройиб жавобдан завқланиб кулишади ва қизиқнинг янги велосипедини яширган жойларидан олиб чиқиб беришади.

## ҚИЗИҚЧИЛАР АРМИЯСИ

Кунлардан бир куни Теша қизиқ поездда кетаётган экан. Бир бекатда икки қўлида иккита чомодан кўтарган аскар йигит, унинг орқасидан майор чиқибди. Аскар чомоданларни жойлагач, майор бамайлихотир ёнбошлаб олибди.

— Қайси армиянинг майорисиз?  
— деб сўрабди ундан Теша қизиқ.  
— Ўзбекистон армиясиданмиш, — дея жавоб қилибди майор.

— Мен генералман! — дебди Теша қизиқ ясама виқор билан.

— Йўғ-э! — дебди майор беихтиёр қаддини ростлаб. — Қайси армияда?

— Қизиқчилар армиясида! — дебди Теша қизиқ жиддий алпозда.

Шодмон ОТАБЕК

## BADIY IQTIBOS

Vatanni tavof qilish!.. Bu chog‘da inson qanday ilohiy tuyg‘ular og‘ushida qolishini tasavvur qilaman. Shoir aytganiday, “Vatanda bevatan” yashagan kunlarimizda yurakbag‘rim qovurilgan, Vatani haqida she‘r yozarkan, shu tuyg‘ularni boshdan kechirmoq menga ham nasib etgan. Vatanni tavof ettirib, meni yig‘latgani uchun she‘rdan — Allohdan minnatdorman...

Usmon AZIM “So‘ngso‘zlar”

## DRABBL

### FIL VA ARQON HIKOYASI

Kunlarning birida sayyoh ingichka nimjon arqonga boylab qo‘yilgan va natijada jazirama issiqda qiynalib turishga majbur bo‘lgan katta va kuchli filni ko‘rib, hayron qoldi. Sababi sal nariroqda salqin, yam-yashil o‘rmon bor edi, ammo bu gigant issiqda qiynalib turardi.

“Qiziq! — o‘yladi sayyoh. — Shunday katta va kuchli jonivor nimjon bir arqonni uzib tashlab, ozod bo‘lish o‘rniga qiynalib turibdi”. Shunda u fil egasi oldiga kelib:

— Nima uchun shunday katta fil nimjondan nimjon bo‘lgan arqonni uzib, ozod bo‘lish o‘rniga jimgina issiqda qiynalib turibdi? — deya so‘radi. Unga javoban fil egasi:

— Fil kichiklik paytida bu arqonni uzishga juda ko‘p uringan, lekin eplay olmagan. Shuning uchun hozir bunga harakat ham qilmayapti.

**P.S.** Afsuski, aksariyatimiz bugun o‘sha fildekmi. Katta imkoniyatlarimiz bo‘lsa-da, o‘zimizga ishonmaymiz va “arqonlar” dan xalos bo‘lolmaymiz.

@Vatanparvargazetasi\_bot  
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog‘lanish uchun telegram bot



SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS



O‘ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

### Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otabek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti — “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

### Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

### ISSN 2010-5541

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

### Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo‘lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

### Navbatchi:

kapitan Aziz Norqulov  
Sahifalovchi: Begali Eshonqulov  
Musahhih: Zebo Sariyeva

Buyurtma: G-0905

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 799 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.  
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko‘rsatkichi: 114.  
Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko‘chasi, 1-uy.